Сувни нобуд қилмай ундан тежаб-тергаб фойдаланайлик!

Суратда: ўртоқ Р. ОТАБОЕВА.

ДУГОНАМ „МАЛИКА“

Орзуга айб йўқ дейдилар. Менда «Малика» билан дўстлашиш орзуси уйғонди. 7- синфни тамомлагач, Вревскдаги қишлоқ хўжалик техникумининг агрономлик бўлимида ўқидим. Ўтган йили июль ойида колхозга қайтгач, пахтачилик бригадасида табелчилик қилдим.

Аслида менинг ниятим бошқа эди. Маккажўхорикорлик бригадасида ишласаммикин деб ўйлаб юрардим. Лекин колхоз правленеси мени маккажўхори бригадасига бошлиқ қилиб тайинлаганида бир томондан хурсанд бўлдим, иккинчи томондан ваҳимага тушдим. Ишни эплай олмай қизариб қолсам нима бўлади деб ўйладим.

Мен шундай хаёлда юрганимда Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозида маккажўхорикор бригадирлар учун 10 кунлик мактаб очилди.

Машҳур маккажўхорикор бригада бошлиғи Ли Любовнинг тажрибалари бизда зўр ишонч ҳосил қилди. Ли Любовнинг ерни шудгор қилишдан, экишга тайёрлашдан тортиб, маккажўхорини қандай парвариш қилишгача бўлган иш тажрибаларини ўргандик. Қайси нав уруғликдан қанчадан ҳосил олаётганини, ўғитлаш, суғориш ишларини қандай ўтказишни билиб олдик.

Бригадамизга 10 киши бирлашиб 60 гектар ерга маккажўхори экдик. Шундан 10 гектар ерга устозим Ли Любовдан олган, бўйи 5 — 6 метргача баландликда ўсадиган «Оқ тиш» уруғидан, 10 гектар ерга бўйи пастроқ, лекин сердон «Вир-156» навли уруғлик экдик. Ўз вақтида ундириб олинган маккани яганаладик, кейин тажрибали тракторчимиз ўртоқ Турдибой Ниёзов ўсимликни кўндалангига 3 марта, узунасига 4 марта культивация қилди. Тўраев, Бегматов, Мирзаев каби сувчиларимиз ҳозиргача маккани 4 марта суғориб чиқдилар. Учинчи ва тўртинчи сув билан шарбат оқиздик. «Оқ тиш» навли макка эккан еримизда ўрта ҳисобда ҳар гектар ерда 50 минг, «Вир-156» навли макка эккан еримизда 60 — 65 минг туп кўчат ҳосил бўлди. «Оқ тиш» маккамизнинг бўйи 5 метрдан ошди. Ҳар тупининг оғирлиги 3,5 — 4 килограммгача етди.

Ҳозир меҳнатимизнинг дастлабки самараларини кўра бошладик. Силос учун экилган «Вир-156» нави паст бўйли, сердон маккамизни силос қила бошладик. Ҳар гектаридан сўтаси билан 1200 центнердан силосбоп кўкпоя оляпмиз.

«Оқ тиш» навли маккани уруғлик учун олиб қолдик.

Тўғри, биринчи йили бригадирлик қилганим учун баъзи камчиликларга ҳам йўл қўйдим. Ли Любовь 70X70 схемаси билан макка эккан бўлса, биз 60X60 схемаси билан экдик. Натижада кўчат зичлашиб қолди, унча эркин ривожланмади. Бунинг устига яғана вақтида ҳар уяда 1—2 та ўрнига 2—3 тадан ўсимлик қолдирган эдик. Бу яхши натижа бермас экан.

Яна бир камчилигимиз шуки, қирдаги янги ўзлаштириб макка эккан ерларимизда сув етарли бўлмади. Шунинг учун 4—5 гектар ердаги маккамиз кўнгилдагидек бўлмади. Лекин булар биз учун катта сабоқ, ҳаётий мактаб бўлди. Бригадамиз аъзолари шу хатоларнинг ўрнини тўлғазиш, ҳар гектар ердан олинадиган кўк пояни 1800 центнерга етказиш учун бўшаган ерларга иккинчи мартаба макка экишга қарор қилдилар. Ҳозир маккаси ўрилган ерлар пешма-пеш ҳайдалиб, қайта экишга тайёргарлик кўраяпмиз.

Роза ОТАБОЕВА,
Янгийўл районидаги Калинин номли колхознинг маккажўхорикор бригада бошлиғи.

ПАХТАКОР ЎРТОҚ!

ШУ КУНЛАРДА МЎЛ ҲОСИЛ ТЎПЛАШ ВА УНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ УЧУН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН УМУМХАЛҚ КУРАШИДАН ЧЕТДА ТУРГАН МЕҲНАТГА ЯРОҚЛИ БИТТА ҲАМ КОЛХОЗЧИ ВА СОВХОЗ ИШЧИСИ БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК.

Ҳарбир картанинг тупроқ шароити, ғўзани ҳолатига қараб табақалаб парвариш қилишни ташкил этингиз.

ҒЎЗАНИ ЧЕКАНКА ҚИЛИШ КУСАКЛАРНИНГ ТЕЗ ЕТИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ. Ана шуни ҳисобга олиб бу ишни ўз вақтида ўтказинг.

ҲАЁТБАХШ СУВНИНГ БИР ТОМЧИСИНИ ҲАМ НОБУД ҚИЛМАЙ ЭКИННИ ҚОНДИРИБ СУҒОРИНГ.

Ғўза парваришида ТРАКТОРЛАРНИНГ ҚУВВАТИДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНИНГИЗ.

БЕГОНА ЎТНИНГ ЎСИШИГА, ЗАРАРКУНАНДАЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИГА СИРА ИЎЛ ҚЎИМАНГ.

МАШИНА ТЕРИМИ УЧУН АЖРАТИЛГАН ҒЎЗАЛАРНИ АЛОҲИДА ПАРВАРИШ ҚИЛИНГ.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 154 (2187). | 5 август, якшанба, 1962 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ҲАР ТУП ҒЎЗА СЕРҲОСИЛ БЎЛСИН

Деҳқоннинг йил бўйи тер тўкиб қилган фидокорона меҳнати натижалари кўзга ташланиб қолди. Илғор хўжаликларнинг далаларида ғўза гуркираб ўсмоқда, ҳар тупида 6—7 тадан бўлиқ кўсак бор, гул ва шоналар ҳисобсиз. Озмунча қийинчиликларни енгмадилар пахтакорларимиз ғўзани ана шу ҳолга келтиргунча! Табиат нижиқлик қилди, анча майдонга чигитни қайта экишга тўғри келди. Чигит энди ердан униб чиққанида жала ва дўл ёғиб ёш ниҳолларнинг кўпини нобуд қилди. Лекин матонатли колхозчилар, совхоз ишчилари бу қийинчиликлар олдида бош эгмадилар. Ҳамма имкониятлар, чораларни ишга солдилар. Кўчат асосан бутлаб олиниди. Хар туп ғўзани меҳр билан парвариш қилишга киришдилар.

Эндиликда ана шу тўпланган ҳосилни сақлаб қолиш ва ҳосилга-ҳосил қўшишда ҳал қилувчи августнинг дастлабки кунлари ўтиб бормоқда. Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, хирмоним боракали бўлсин деган деҳқон бу ойда ҳам ғўза парваришини сира бўшаштирмаслиги, бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб ишлаши лозим. Ҳозир шундай кунлар бошланди, тер тўкиб меҳнат қилиса, қолоқ участкалардаги ғўзаларни яхшилаб олиш мумкин. Аксинча ғўзанинг кўкига маҳлиё бўлиб иш сусайтириб қўйилса, яхши дейилган ғўзалар ҳам ҳосилини йўқотиб, меҳнат зое кетиши мумкин.

Чиноз районидаги «XXI партсъезд» колхози пахтакорларининг ишидан ҳар қанча ўрнак олса арзийди. Бу колхоз пахтакорлари 1721 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олганлар. Ҳамма бригадалар ва звеноларда иш ана шу юксак мажбуриятга яраша ташкил этилди. Суғориш, озиқлантириш, культивация ишларида сон орқасидан қувилмади. Сифатга эътибор берилди. Натижада ғўза бир текис ривожланиб, ҳосил мўл бўлмоқда.

— Август ҳосилни сақлаб қолиш ва ҳосилга-ҳосил қўшишда зарбдор ой, — дейишади бу колхоз пахтакорлари. — Ана шуни ҳисобга олиб биз бу ишни йиғим-терим бошлангунгача давом эттирамиз.

Бундай хўжаликлар областимизда озмунча дейсизми.

Лекин шундай колхоз ва совхозлар ҳам борки, уларда ғўза парваришни деярлик тўхтатиб қўйилди. Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхоз ҳар йили планни бажаради. Лекин ана шундай донгдор колхозда ҳозирги кундаги бўшашувчилик кишини таажжублантиради. Колхоз пахтакорлари ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олишган. Лекин афсуски, бу ваъда унутиб қўйилмоқда Колхознинг кўпгина бригадаларида қатор ораларига ишлов бериш барвақт тўхтатиб қўйилди. Айрим бригада ва звено бошлиқларининг «саҳийлиги»дан фойдаланган бегона ўтлар ғўзанинг озуғига, сувига шерик бўлмоқда. Каттагина майдондаги ғўзалар ўсишдан орқада қолган бўлишига қарамай бу майдонларга қўшимча ишлов бериш, яхши ғўзалар қаторига етказиб олиш чоралари кўрилмаётир. Янгийўл районидаги «XXI партсъезд», Энгельс номли ва бошқа колхозларда ҳам бегона ўт ғўзани қисиб қўймоқда.

Пахта учун курашда ҳар бир куни, ҳар бир соати қимматли бўлган дамлар ўтиб бормоқда. Шундай экан, ғўза парваришни соҳасидаги камчиликларни дарҳол тугатиш ҳамма ерда ишни Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Советининг «Ғўза тупларида мўл ҳосил тўплайлик ва уни тўла сақлаб қолайлик» деб чиқарган Мурожаати асосида ташкил этайлик.

Энг муҳими шуки, тракторларнинг ҳамма ерда тўла қувват билан ишлашига эришайлик. Культивацияни сифатли ўтказиб, қатор ораларининг доим юмшоқ ҳолда сақланишини таъминлаш лозим.

Чеканка ҳосилга-ҳосил қўшадиган муҳим агротехника тадбирларидандир. Бу ишни сира кечиктирмаслик, уни ҳамма ерда мутахассисларнинг маслаҳати асосида ғўзанинг ривожини ҳисобга олган ҳолда ўтказиш лозим бўлади.

Сув — пахтанинг онаси. Сув камчил бўлган бу йилги шароитда ундан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор бериш керак. Суғориш билан культивация ўртасида узилиш бўлишига сира йўл қўйилмасин.

Авжи паст ғўзаларни яхши серҳосил ғўзалар қаторига етказиб олиш учун қўшимча ишлов бериш чораларини амалга оширайлик. Айниқса бундай майдонлардаги ғўзаларга «шарбат» сувни оқизишни кенг йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Айрим колхоз, совхоз, бригадаларда ғўза туплари ўсиб ҳаддан ташқари қалинлашиб кетган. Тажрибакорлар бундай карталарда қатор ораларини оралаб ғўзани тез-тез шамоллатиб туришни маслаҳат берадилар.

Бу йил областимиз бўйича 140 минг тонна пахтани машинада теришга аҳд қилган эканмиз, бу ишнинг муваффақияти шу кунлардаги тайёргарлигимизга боғлиқ. Машина терими учун далаларни ажратишни тезда тугаллаш керак ва бу майдонларда ғўзани машина теримига мослаб ўстириш чоралари кўрилсин.

Ватан биздан тобора кўп пахта етказиб беришни талаб қилмоқда. МАМЛАКАТГА 503 МИНГ ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ЕТКАЗИБ БЕРИШ ЮЗАСИДАН ОЛГАН МАЖБУРИЯТИМИЗНИНГ СЎЗСИЗ БАЖАРИЛИШИГА ЭРИШИШ УЧУН БИР ҒАЙРАТИМИЗГА ЎН ҒАЙРАТ ҚЎШИБ ИШЛАЙЛИК.

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ Токио конференциясига табрикномаси

МОСКВА, 3 август. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев атом ва водород қуролини тақиқлаш учун, ядро урушига қарши курашга бағишланиб, Токиода ўтказилаётган саккизинчи халқаро конференция қатнашчиларига табрикнома юборди.

Табрикномада таъкидланадики, конференция ўз олдига қўйган олижаноб ва улуғ мақсадлар: Хиросима ва Нагасаки фожиаларининг жаҳон миқёсида такрорланишига йўл қўймаслик, ракета-ядро урушининг олдини олиш мақсадлари совет халқига, СССР ҳукуматига яқин ва тушунарлидир.

Н. С. Хрушчев ёзадики, Совет Иттифоқи ёппасига ва батамом қуролсизланиш ҳақида битим тузилишини кутиб ўтирмасданоқ таъсирли халқаро контроль остида ҳамма ядро синовларини тўхтатиш тўғрисида битимни дарҳол имзолашга тайёрдир. Бу контролни аниқлашнинг миллий воситалари ёрдами билан таъминлаш мумкин.

Бундай битимнинг тузилиши, деб таъкидлайди Совет ҳукуматининг бошлиғи, шубҳасиз, ядро қуролининг ҳамма турларини тақиқлаш ва тугатиш йўлида, ёппасига ва батамом қуролсизланиш йўлида ташланган муҳим қадам бўлур эди. Гап Америка Қўшма Штатларида ва бошқа Ғарб давлатларида қолгандир.

Совет ҳукумати ишонадики, ракета-ядро урушининг йўли тўсилиши мумкин ва тўсилиши керак, деб таъкидлайди Н. С. Хрушчев. Ўртоқ Хрушчев конференцияга муваффақиятлар тилайди.

ФИНЛЯНДИЯ ПРЕЗИДЕНТИ КЕККОНЕННИНГ СССРГА ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Финляндия Республикасининг президенти Урхо К. Кекконен ва Кекконен хоним бир ҳафтача дам олиш учун 1962 йил 10 октябрда Совет Иттифоқига жўнайдилар. Улар СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевнинг шахсий таклифига мувофиқ келадилар. Н. С. Хрушчев шу йилнинг кўкламида президент Кекконенга таклифнома юборган эди.

М. Е. МАЦЕПУРОГА ЛЕНИН МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

МИНСК, (ТАСС). Белоруссия ССР Фанлар академиясининг президенти В. Ф. Купревич Белоруссия ССР Фанлар академиясининг академиги, СССРнинг қора тупроқ бўлмаган зонаси қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш Марказий илмий тадқиқот институтининг директори М. Е. Мацепурога Ленин мукофотининг фахрий дипломи ва значогини топширди.

Республика партия ва совет ташкилотларининг вакиллари, олимлар М. Е. Мацепуроні қизғин қутладилар.

МАҚСАДЛАРИ—МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ

Ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажаролмай қолган Сирдарё районидаги Ильич номли колхоз аъзолари бу йил ўз олдиларига «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштиришни асосий мақсад қилиб қўйганлар. 1250 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан камида 24,7 центнердан ҳосил етиштиришга қатъий аҳд қилинган. Колхознинг кўпчилик илғор бригадаларида август ойини яхши натижалар билан тугаллаш учун қизғин кураш кетаяпти.

Мана, ўртоқ М. Мардалиев бошчилик қилаётган 4-бригадани олиб кўрайлик. Бу бригада аъзоларининг бирдан-бир шиори мўл ҳосил етиштиришга қаратилган. Уларнинг марраси — 26 центнер. Бригадада ҳаммаси бўлиб 140 гектар майдон бор, шунинг 94 гектарида етиштирилган ҳосил фақат машиналар ёрдамида териб олинмоқчи. Ана шунинг учун ҳам бу участкада иш, айниқса, қизғин тус олган. Сувчилар ҳам, механизаторлар ҳам ғўзани машина теримига мослаб ўстиришга ҳаракат қилмоқдалар. Хар туп ғўзада кам деганда 5—6 тадан тўқ кўсак санашингиз мумкин. 94 гектарли майдонга ҳозирга қадар тўрт марта икки томонлама ишлов берилди. Бу ишда механизаторлардан А. Дашалиев, Ж. Маҳрамов ўртоқларнинг катта ҳиссаси бор. З. Диловаров, У. Фатилов сингари сувчиларнинг ғайрати ҳам механизаторлардан қолишмаяпти. Улар кунига бир ярим-икки гектар ерни қондириб суғормоқдалар.

Шунингдек колхознинг ўртоқ Ш. Ўткиров бошлиқ бригадаси аъзолари ҳам мўл ҳосил учун олиб борилаётган курашни ҳар қачонгидан ҳам кизитиб юбордилар.

Х. СОИБНАЗАРОВ.
М. ТЕМИРОВ.

Парваришни бўшаштирмаяпмиз

Бизнинг бригадамиз йил сайин пахтадан юқори ҳосил етиштириб келаётир. Бу йил ҳам барча қийинчиликларни енгиб мўл ҳосил тўпламоқдамиз. 126 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан «оқ олтин» етказиб бериш орзусида ғўза парваришини сира бўшаштирмай, давом эттирмоқдамиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатидан сўнг механизаторларимиз, сувчиларимиз бир ғайратларига икки-уч ғайрат қўшиб ишлаётирлар.

Ғўза ўз вақтида ўғитга тўйганлиги, сувга қонганлиги ва «шарбат» оқизилганлиги натижасида бақувват бўлиб ўсмоқда. Ҳозир ҳар бир туп ғўзада ўрта ҳисобда 5-6 тадан тўқ кўсак ва бир неча ҳосил тугунчалари бор. Бизнинг мақсадимиз мана шу ой ичида ҳар туп ғўзада 12-13 тадан тўқ кўсак ҳосил қилиш.

Моҳир механизаторимиз Қамбарали Эрназаров қатор ораларини кўнгилдагидек культивация қиляпти. Абдусалом Қаюмов, Бектўра Кенжаев ва Болтабой Мадмуротов каби сувчиларимиз экинларни кечаси-ю кундузи қондириб суғораётирлар. Сувчиликда 10-12 киши унумли ишламоқда. Чунки, бу йилги шароитда ғўзаларни чанқатиб қўймаслик, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, ғўза чеканкасини ўз вақтида ўтказиш ҳосилнинг мўл бўлишини ва эрта етилишини таъминлайди. Буни эътиборга олиб бир неча кундан буён ғўзаларни танлаб чеканка қиляпмиз. Бу эса кўсакларнинг эрта очилишини таъминлайди.

Ғўза парваришини йиғим-терим бошлангунга қадар қизғин давом эттирамиз.

Р. БЕКМУРОДОВ,
2- «Далаварзин» совхозининг 1- агроучасткасидаги 2- бригада бошлиғи.

Мурожаатдан руҳланиб

Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг ўртоқ Солиҳ Суяров бошчилик қилаётган бригада аъзолари ҳозирги долзарб кунлардан унумли фойдаланмоқдалар. Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг барча қишлоқ хўжалик ходимларига қарата чиқарган Мурожаати бригада пахтакорларини бекад руҳлантириб юборди.

Ҳар бир деҳқон шу кеча-кундузда мавжуд 85 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 27 центнер ўрнига камида 32 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштириш тўғрисида қайғираётир. Ана шунинг учун ҳам бу ерда ғўза парвариши суръати кун сайин кучаймоқда. Бригаданинг қайси бир пайкалига назар ташланг ҳосилини кўз-кўз қилиб бир текис ривожланаётган бўлиқ ғўзаларни кўрасиз.

Сергайрат механизатор ўртоқ Ли Анатолий ҳозирги кунга қадар ғўза қатор ораларига тўрт марта сифатли ишлов бериб озиқлантирди. У агрегат рулини бошқарар экан, бирор туп ғўзани шикастлантирмаслик тўғрисида ўйлайди.

Б. СОДИҚОВ.

МАШИНА ТЕРИМИГА ТАЙЕРГАРЛИКНИ ТЕКШИРАМИЗ

БУНГА КИМ АЙБДОР?

Пахтани машинада териш, умуман пахтачиликни машиналастириш соҳасида Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхози бир неча йилдан бери областимиздагина эмас, ҳатто республикада донг чиқараётир. Бирғина ўтган йили совхозда 6 минг тоннадан зиёдроқ «оқ олтин» қудратли машиналар билан териб олинди. Етиштирилган барча ҳосилнинг 90 процентга яқини тайёрлов пунктларига қоп-қанорсиз етказилди. Буларнинг ҳаммаси пахта таннархининг анча арзон бўлишини таъминлади.

Ҳа, совхозда механизациянинг ролига етарли баҳо берилади. Машина теримига йил бошиданоқ эътибор берилади. Бу йил ҳам худди шундай бўлди. Партия ташкилотининг февраль ойида чақирилган йиғилишида пахтани машинада теришга тайёргарлик кўриш, техника ремонтини бошлаш, кадрларни ўқитиш масаласи атрофлича муҳокама қилинди, нотиқлар сўзга чиқиб, ўз фикрларини айтишди, мажлисда тегишли қарор қабул қилинди.

— Хўш, ҳозир теримга тайёргарлик ишлари қандай?

Бу савол партия ташкилотининг секретари Александр Иванович Ланговойни бир мунча ўнғайсизлантириб қўйди. У қўлидаги кўчкўй тўла пиёлани столга эҳтиётлик билан қўяр экан, хомуш гап бошлади:

— Нима десам бўлади. Қўлимиздан келганича ҳаракат қиляпмизу, иш юришмаяпти.

— Нега юришмаяпти, Ахир ким айбдор? — қизиқдик биз. Секретарь бу гапдан сўнг бироз тетиклашди.

— Агар, — дея тушунтира кетди Александр Иванович, — запас қисмлар бўлганида ремонтни аллақачон яқинлаштириб қўярдик. Қўлимиз калталик қиляпти. Инженерларимиз экспедиторга айланиб қолди. Чор атрофга югуришгани-югуришган. Областда кирмаган идорамизу, заявка бермаган жойимиз қолмади.

Дарҳақиқат, совхозда терим агрегатларини ремонт қилишнинг «илтимосномалар» экан. Варақлаб ўтириб «Ўзсельхозтехника» область бирлашмасининг бошлиғи ўртоқ Г. Нажапов имзо чеккан бир хат диққатимизни ўзига тортди. Хат «Ўзсельхозтехника» район бўлимининг бошлиғи ўртоқ Я. Баҳодиров номига ёзилган.

Хатда запас қисмларни хўжаликларга ўз вақтида етказмаслик, айниқса, совхоз коллективининг илтимоси сурункасига бажарилмай келаётгани айтилиб, агар бу иш яна давом этадиган бўлса, қаттиқ чора кўрилиши уқтирилган эди.

— Шундан кейин ҳам иш юришмадими?

Саволимизга инженер ҳадеганда жавоб қайтармади. Ён чўнтагидан яна қоғоз олиб, олдимизга қўйди:

— Мана, ҳозиргина райондан қайтдим. Баҳодиров номига сиз ўқиган хатдан бир нечтаси келди. Бироқ, натижа чиқмаяпти.

Худди шундай, ўртоқ Г. Нажапов, сиз имзо чекиб юборгаётган хатлардан запас қисмлар ясаб бўлмаяпти. Агар вақт топиб, ремонт устахонасига келсангиз, терим агрегатлари ёнида эртак айтиб вақт ўтказаётган ремонтчиларни кўриб, балки юрагингиз ачишарди. Шунда сизни слесарь Борис Георгиевич Верхотуров 43-хўжалик номерли агрегат ёнига бошлаб бориб:

— Трубаларни улаш учун резинка, 24 тишли 1 та шестерня, териш аппаратларни уловчи вал йўқлигидан 4 ойдан бери устахонада турибди, — деган бўларди. Шунда «ХВС—1,2»лар учун аккумулятор, поршень, магнето, вал, поршень халқалари ва яна бошқа қисмлар етишмаётган 50 дан ортиқ агрегатни кўриб, зора бироз ўйлансангиз.

Тўғри, совхозда ҳам мавжуд имкониятлар тўла ишга солинган, ремонтни тезлаштириш чоралари амалга оширилаяпти, деб бўлмайди. Фикримизнинг далили сифатида 5-бўлимдаги ремонт манзарасини мисолга келтириш мумкин. Механизаторлар тупроқ шағал устида ремонт қилишяпти. Қаққайиб турган «СХМ—48М» машинасидан бирортаси тайёр эмас, қисмлари мойланмаган.

Бундан ташқари совхозда ишни икки сменада ташлаш этиш учун механизатор кадрлар етишмайди. Бош инженернинг гапига қарагандa ҳали бунга вақт бор эмиш.

— Теримга 15 кун қолганда механик-ҳайдовчиларни ўқитиб оламиз, — дейди у бепарволик билан.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Пахтани машинада теришга тайёргарликнинг бориши ҳақида деб чиқарган қарорида ғўзани машина теримга мослаб ўстириш алоҳида уқтирилган эди. Ажабланарлиси шуки, бу қарор ҳалигача совхоз механизаторлари орасида ишлаб чиқилмаган. Далаларни тайёрлаш кўнгилдагидек эмас. Чеканка қилинган майдон эндигина 1500 гектарни ташкил этади. Еввойи ўтларга қарши кескин кураш очилмаган.

Қисқаси, вақт яқинлашаётганига қарамай, бу улкан хўжаликда машина теримига тайёргарлик сust.

З. ҚУРТНЕЗИРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.



Изоҳнинг хожати йўқ. А. Холиқов чизган расм.

БУГУН БУТУНИТТИФОҚ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КУНИ

ПЎЛАТ ИЗ БАҲОДИРЛАРИ

Тошкент тепловоз депосида новатор машинист Евгений Штиковнинг издошларини кўплаб учратиш мумкин. Машинистлардан Бегмат Эрматов (суратда чап да): ва Деҳқон Султоновлар ҳам унинг изидан бориб, ёнилғи тежаш соҳасида яхши натижаларга эришяптилар.

КАРВОНБОШИ

Абдулхай кенг зални тўлдириб ўтирган машинистларга янг бир назар ташлаб, сўз бошлади:

— Баъзилар пассажир поездини бошқарганда ёнилғини кўп миқдорда тежаш мумкин эмас, дейишади...

— Тўғри, — деб юборди кимдир пастдан.

Абдулхай мийнгида кулиб қўйди.

— Ундай эмас! — деди у кескин. — Рост, пассажир поездни бошқарганда ёнилғи тежаш қийинроқ. Юк поездини графикдан илгари етказишга интилиш, тезроқ елдириш мумкин. Пассажир поездида эса графикка қатъий амал қилиш керак. Ғечикмайсан ҳам, шошилмайсан ҳам... Лекин барибир кўплаб ёнилғи тежаса бўлади. Евгений Штиковни олинг! Евгений поездларнинг учдан бир қисмини ўзи тежаб қолган ёнилғи ҳисобига бошқарганига ҳали ҳам баъзилар ишонишмайди...

— Молинг зотли бўлса, емишинг тотли бўлар! — кимдир яна гап қистирди.

— Яхши жангчи қуролидан ғолимайди. Ёки сизники бошқача тепловозми? Хўш, ТЭ—3 тепловозининг нимаси ёмон?! Ё ҳали ҳам тутайдиган бочка-паровозни қўмсайсизми? Отга миниб «хих» дейиш-ярамайди! — деди Абдулхай гап чиққан томонга қаттиқ тикилиб.

Ҳамма гур этиб кулиб юборди. «Рост айтади», «балли йигит!» деган товушлар эшитилди.

— Иш қуролинг соз бўлса, машққатинг из бўлур. Лекин иш қуролини соз сақлаш ўзимизга боғлиқ. Машинани инсон яратган, уни инсон бошқаради.

Ёнилғини иқтисод қилиш учун аввало тепловоз генераторининг барча узеллари озода бўлиши зарур. Бир килограмм суюқ ёнилғи билан тонналаб юкларни километрлаб масофага ташиш мумкинлигини айтсак, тепловознинг тежамли машина эканини тушунамиз. Бундан ташқари йўлнинг пасти-баландини билишда ҳам гап кўп. Ҳар доим машинанинг иккала секциясини гуриллатиб ишлатавериш—ёнилғининг заволи! Машинани доим рационал ишлатиш керак. Айтайлик, йўл пастга қиялаб кетаяпти. Бунда иккала секциянинг ишлаши шартми? Шундай қилиш шарт эмаслигини кўпчилик тушунади. Аммо ҳамма ҳам бунга амал қилавермайди. Бир ой ичида уч тонналаб нормадан ортиқча ёнилғи сарфлаб юборган машинистлар йўқ дейсизми?..

...Пастаккина минбардан туриб оддий, жўшқин нутқ сўзлаётган бу йигитни икки йилдан бери танийман. Унинг оқ-сариқ чеҳраси, кўкиш кўзлари ҳамон ўша-ўша. Фақат сагал салобатлироқ бўлиб қолибди.

Абдулхай билан баҳор тонгида. депода учрашгандик. Цехларнинг қўёш нурида жилоланиб турган катта деразалари ортида улкан механизмлар кўзга чалинади. Тонг шамоли хиёбондаги ғозик ниҳоллар билан ўйнашади. Кумушранг каптарлар цех томларидан ошиб. баландга, мовий осмон оғушига тик чиқади-да, пастга тўш уради.

Ўшанда, коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун кураш бошланган пайт эди. Абдулхай бошчилигидаги илғор бригада оғир юкли поездлар бошқариш, кўплаб ёнилғи тежашда бошқаларга намуна бўлади. Унинг бригадаси депода биринчи бўлиб келажак разведкачилари номини олди. Ана шундан кейин унинг номи бутун республикага маълум бўлиб қолди.

Абдулхай яхши ишлади. Москвада коммунистик меҳнат бригадаси ва зарбдорларининг Бутуниттифоқ кенгашида қатнашди...

Депода коммунистик меҳнат бригадалари жуда кўп. Шу йилнинг ўтган ойлари ичида Абдулхай ҳаммадан кўп — 32 тонна қимматли дизель ёнилғисини тежаб қолди. Унинг ўзи ҳам, ёрдамчиси Владимир Шустов ҳам ҳақиқий лочин, ёнилғи тежаш усталари!..

Мана ҳозир Абдулҳай Маракаевнинг илғор тажриба мактабида ёнилғи тежашнинг йўллари ҳақида айтган маслаҳатларини эшитиб ўтирибман. Айни машинага қўйиб ёки йўл профилини билмасликни баҳона қилиб, ортиқча ёнилғи сарфлаб юборяётган айрим машинистларга Абдулхай иссиғида зарба беришига ўзимча қойил қолдим. Бир ойда 1958 килограмм ёнилғи тежаган Исроил Иброҳимов, 3389 килограмм тежаган Николай Емцов ва бошқалар ҳам Абдулхайга етиб олса, у эса ўз навбатида янада юксакроқ кўрсаткичлар-га эришса деймиз. Ҳуллас рақамлар ўсаверсин, пўлат карвонлар эса олга елаверсин деймиз.

Ў. ХОШИМОВ,
Тошкент тепловоз депоси.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИГА ЎТГАЧ

Барча темирйўлчилар қатори 1-бирлашган темир йўл транспорти хўжалигининг коллективи ҳам ўз байрамларини меҳнат зафарлари билан кутиб олаётир. Хўжалигимиз ишчилари, инженер-техник ходимлари етти ойлик топшириқни муддатидан 8 кун илгари адо этиб, барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича қувончли натижаларга эришдилар.

Ўтган йилнинг шу даври ичида эришилган натижалар қаноатланарли эмас эди. Шу сабабли коллективимиз хўжалик ҳисобига ўтди. Бу биз учун жуда қўл келди. Буни қуйидаги таққослашнинг ўзиёқ аққол кўрсатиб турибди.

Ўтган ойлар мобайнида юк тушириш-нинг механизация даражаси 53,2 процентга етди. Ўтган йилнинг шу ойлари ичида бу рақам — 38 процентнигина ташкил этарди, холос. юк тушириш таннархи анча арзонлашди, ҳар бир механизаторнинг ўртача ишлаб чиқариш кўрсаткичи ўтган йилдагига қараганда 15—20 процентга ортди.

Бундай муваффақиятни қўлга киритишда диспетчер А. Кузьмин ва мастер Л. Лазарев ўртоқлар раҳбарлигидаги смена катта ҳисса қўшиб келяпти. Бу смена шу йилнинг ўзидаёқ хўжалигимиз бўйича ўзаро социалистик мусобақаларда тўрт марта биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

П. СЕЛЕЗНЕВ,
Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши 1-бирлашган темир йўл транспорт хўжалиги партия ташкилотининг секретари.

ТЕХНИКА ПРОГРЕССИ АСОСИДА

Бугун мамлакатимиз меҳнаткашлари Бутуниттифоқ темирйўлчилар кунини зўр тантана билан байрам қилмоқдалар. Барча темирйўлчилар қатори бўлимимиз коллективи ҳам ана шу улуғ айёмни муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдирди. Айниқса барча муваффақиятларнинг калиди — техника прогрессига алоҳида эътибор берилди. Шу туфайли ҳозирги вақтда бўлимимизда барча юклар тепловозлар ёрдамида ташилаётир. Областимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ташиш топшириқлари муваффақиятли адо этилмоқда. Шу йилнинг ўтган ярим йилида вагонларга ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 400 минг тонна кўп юк ортилди. Бундай юксак кўрсаткичга биринчи марта эришилди.

Тепловозчиларимиз локомотивлардан фойдаланишни яхшилаш, оғир юкли поездларни бошқариш, ёнилғини тежаш, ремонт операцияларини бажаришда меҳнат унумдорлигини ошириш учун кескин кураш олиб бордилар. Бу ўзининг ажойиб натижаларини берди. Ярим йил ичида оғир юкли поездларда нормадагидан ташқари 2 миллион тоннадан кўпроқ халқ хўжалик юклари ташилди. Тепловоз депоси коллективи орасида оғир юкли поездларни бошқарувчи моҳир машинистлар қатори кўпайди. Машинист ўртоқ З. Сулаймонов ўтган ярим йилда оғир юкли поездларда қўшимча равишда 14 минг тоннадан кўпроқ юк ташиди. Ўртоқ Н. Литвиновнинг кўрсаткичи бундан ҳам юксакдир. У белгиланганидан ташқари 19 минг тонна юкни манзилларга элтиб берди, Ўртоқ В. Яковлев эса ана шу вақт ичида бир неча оғир юкли поездларни бошқариб нормадагидан ташқари 15 минг тонна юк ташиди.

Тепловозчилар ўртасида ёнилғини тежаб-тергаб сарфлаш юзасидан бошланган мусобақа натижалари ҳам чакки эмас. Депо коллективи ўтган ярим йилда 600 тонна ёнилғини иқтисод қилди. Бу соҳада айниқса машинист ўртоқ Е. Штиков иши тақдирга сазовордир. Темир йўл профилини яхши биладиган, ўз касбини пухта эгаллаган бу моҳир тепловозчи шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида ўнларча тонна ёнилғини тежаб қолди. Унинг иш тажрибаси депо коллективи ўртасида кенг ёйилди, издошлари кўпайди. Машинист ўртоқ А. Маракаев 32 минг килограмм, унинг ҳамкасби ўртоқ Г. Валиаҳмедов 23 тонна ёнилғи тежади. Машинистлардан Муллабоев, Галактионов, Соколовский ўртоқлар ҳам бу соҳада бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Бўлимимиз депо ва станцияларида ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, меҳнатни яхши ташкил этиш бўйича бир қанча ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилди. Илгари темир йўл шохобчаларидан юкларни станцияларга ташишда айрим тепловоз, ана шу шохобчаларда маневр ишларини бажариш учун ҳам айрим локомотив фойдаланиларди. Эндиликда ана шу операцияларни битта тепловоз бажаряпти. Бу юқоридаги операцияларни бажаришда ишлатиладиган тепловозларни камайтиришга олиб келди.

Сўнгги йилларда темир йўл хўжалигининг ҳолатини яхшилашга катта эътибор берилаяпти. Ёғоч шпаллар ўрнига темир-бетон шпаллари фойдаланилаётир. Бу шпаллар узоққа чидайди, шу билан бирга поездлар ҳаракатини янада тезлаштиришга ёрдам беради. Йўлларга 800 метрли узун рельслар ҳам кўплаб ётқизилаётир. Бундай рельслар кўплаб металлни тежаб қолишга ёрдам беради.

Юк ортиш-тушириш ишларини, ремонт ишларини механизациялаш соҳасида ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Тепловоз ва вагонлардан яхши фойдаланиш меҳнат унумдорлигини оширди. Кейинги беш йил мобайнида юкларимиз қатори бирор кишига ҳам кўпайгани йўқ. Аммо шу давр ичида юк ортиш 30 процент ошди, юк оборoти, пассажирлар ташиш кескин ортди. Ҳозирги вақтда тепловозлар минг километр масофагача состав тортиб бормоқда.

Пассажирлар ташиш тобора кўпайиб бораётир. Шу йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу муддатига қараганда 250 минг кўп пассажир ташилди. Пассажир поездларнинг тезлиги ошди, янги маршрутлар ўзлаштирилди. Бу йил поездлар Тошкентдан Москвага илгаригига нисбатан 9 соат, Красноярск ва Иркутскка эса 10 соат тез борадиган бўлди. Ҳозир Тошкентдан Харьковга ҳам поездлар қатнаб турибди.

Проводниклар резервига бирлашган вагон депоси коллективи транспорт хизмати кўрсатишни яхшилашга катта ҳисса қўшди. Ҳозирги вақтда фақатгина Тошкент вокзалидан икки кун мобайнида мамлакатимизнинг турли бурчакларига бордигач пассажирлар сони бутун 1913 йил давомида бу ердан жўнаган пассажирлар сонига тенг келади.

Бўлимимизда жуда катта ҳажмда капитал қурилиши ишлари амалга оширилаяпти. Бу йил 13 минг 400 квадрат метр уй-жой майдони фойдаланишга топширилади, юзлаб темир йўлчилар ўз оилалари билан ҳовли тўйи ўтказдилар. Шифохона, болалар боғчаси ва ясли тармоқларини кенгайтириш бўйича ҳам катта ишлар олиб борилаяпти. Деярлик барча мактаблар бир сменада ишлашга ўтказилади.

Ҳозирги вақтда бўлимимизда темир йўлчиларнинг Бутуниттифоқ кенгаши мурожаатига жавобан меҳнат унумдорлигини ошириш, ҳар бир ишлаб чиқариш операцияси харажатларини камайтириш учун ички резерварлни қидириб топишга қаратилган кураш бормоқда. Бўлимимиз темирйўлчилари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бекаминкўст бажариш йўлида бундан буён ҳам ҳормай-толмай меҳнат қиладилар.

З. НИШОНБОЕВ,
Тошкент темир йўл бўлимининг бошлиғи.

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

Бутуниттифоқ темир йўлчилар кенгаши материаллари ва бу кенгашда ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев сўзлаган нутқ текстини чуқур ўрганган корхонамиз меҳнаткашлари ўз имкониятларини ҳисоблаб кўриб, йиллик юк ташиш планини тонна-километр бўйича 2 процент ошириб бажариш, оғир юкли поездларда пландан ташқари кўплаб юк ташиш, ёнилғи сарфлашни икки процент камайтириш тўғрисида янги оширилган мажбуриятни олишди.

Олинган мажбуриятни шараф билан бажариш — марднинг иши. Буни яхши тушунган депомиз коллективи ўз сўзининг устидан чиқиш учун фидокорлик билан меҳнат қилмоқда. Ваъдасига вафодор машинистларимиз, ремонтчиларимиз Бутуниттифоқ темирйўлчилар куни шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, меҳнатда яхши натижаларга эришдилар. Етти ойлик юк ташиш топшириғи анча ошириб бажарилди. Паровозлар ва тепловозлар қувватидан тўғри фойдаланиш йўли билан халқ хўжалигимиз учун зарур бўлган пландан ташқари юзлаб тонна юк ташиб берилди. Биз ҳозирнинг ўзидаёқ халқ хўжалик юкларининг асосий қисмини тепловозлар ёрдами билан ташияпмиз.

Янги техникани ўзлаштириш, машиналар қувватидан унумли фойдаланиш, илғор тажрибаларни оммалаштиришда кўпгина машинистлар намуна кўрсатмоқдалар. Машинист Иван Печейкин Валентина Гаганова изидан бориб, смена топшириқларини бажаролмаётган, нормадан ортиқча ёнилғи сарфлаб юборaётган локомотив бригадасига ўтиш истагини билдирди. Депо маъмурияти унинг бу ҳоҳишини қондирди. Қисқа вақт ичида ўртоқ Печейкин қолоқ бригадани илғор коллективларга тенглаштирди. Василий Абраменко, Николай Иванов сингари 28 машинист ҳам илғари планларни бажаролмаётган бригадаларнинг илғорлар қаторидан ўрин олишига эришдилар.

Корхонамизда Тошкент тепловоз депосининг илғор машинисти Евгений Штиков изидан борувчилар тобора кўпаймоқда. Ўртоқ Штиковнинг оз ёнилғи билан кўп юк ташиб бериш юзасидан бошлаган ажойиб ватанпарварлик ҳаракати Урсатьевск локомотив депоси машинистлари томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Механик Фатоҳиддин Раҳимов машина қувватидан самарали фойдаланиб, ҳар рейсда кўплаб ёнилғи тежаб қолянти. Тепловоз машинистларидан Н. Журавлев, А. Никифоров ўртоқлар — оғир юкли поездлар бошқариш усталари. Улар етти ойлик юк ташиш топшириғини ортиғи билан адо этиб, пландан ташқари кўплаб халқ хўжалик юклари ташиб бердилар, тежалган ёнилғи ҳисобига қўшимча поезд бошқармоқдалар.

Депо меҳнаткашлари коммунистик меҳнат ва юксак маданият корхонаси деган ном учун кураш бошлаганига икки йилдан ошди. Ҳозир корхонада ўқимайдиган киши йўқ деса бўлади. Уларнинг баъзилари кечки ўрта мактабларда, бошқалари сиртқи техникум ва олий ўқув юртларида, кўплаб машинистлар эса илғор тажрибаларни оммалаштириш юзасидан депода ташкил қилинган мактабда ўқийдилар. Ҳозир 4 цех, 17 бригадага коммунистик меҳнат коллективи деган юксак ном берилган.

Пўлат отга қамчи босган локомотивчилар етти йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажаришга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида бугун кечагидан, эртага бугунгидан самаралироқ меҳнат қилаётирлар.

З. ХУДОЕРОВ,
Урсатьевск локомотив депоси бошлиғини н г ўринбосари.



Суратда: товар поезди Тошкент пўлат изларида. Қудратли ТЭ-3 тепловози халқ хўжалик юкларини манзилга тезроқ етказиш учун ошиқади.

А. Абалян фотолари.

Редакцияга хатлар

Доимий комиссиялар фаолияти янада яхшилансин

Ижроия комитетнинг самарали ишлаши депутатлар фаолиятига, уларнинг ўз сайловчилари билан яқин алоқада бўлиб, барча ишларни ҳамкорликда олиб боришларига боғлиқдир. Оҳангарон шаҳар Советининг баъзи доимий комиссиялари ана шундай ҳамкорлик туфайли дуруст ишлар қилмоқдалар.

Халқ маорифи бўйича тузилган доимий комиссия составидаги 9 депутат ўқув-тарбия ишларини яхшилашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Улар ўқув йили бошланиши олдидан мактабларнинг тайёргарликлари, ўқитувчилар составини мустаҳкамлаш, ота-оналар орасида ишлаш, мажбурий умумий таълимни амалга ошириш, оталик корхоналарининг ёрдамларини уюштириш ва политехника таълимини амалга ошириш юзасидан анчагина тадбирларни амалга оширдилар.

Комиссия мактаб ва маориф ишларини янада яхшилаш юзасидан меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети мажлиси муҳокамасига бир неча масалалар қўйди. Шу кунларда шаҳар Советининг навбатдаги сессиясига 1962—1963 ўқув йилига тайёргарлик ҳамда мактабининг турмуш билан алоқасини янада мустаҳкамлаш ҳақидаги масала тайёрланаётир.

Депутат С. Эргашев раҳбарлик қилаётган социалистик қонунчилик доимий комиссиясининг иши ҳам диққатга сазовордир. Комиссия шаҳар юридик консультацияси, шаҳарда жамоат тартибини сақлаш, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларининг ижросини текшириш ишлари билан мунтазам шуғулланади.

Лекин ҳамма доимий комиссиялар ҳам ана шундай ишламаётир. Шаҳарда саноат ва қурилиш тобора ривожланмоқда. Бу эса молия-бюджет комиссияси зиммасига катта вазифалар юклайди. Бироқ бу комиссия биронта иш қилаётгани йўқ. Комиссия раиси Желабовскаяннинг фаолиятсизлиги натижасида унинг аъзолари ҳам ишга совуққонлик билан қарамоқдалар. Маданий-оқартув ишлари бўйича доимий комиссия ҳам меҳнаткашлар томонидан берилган наказларни бажаришга етарли эътибор бермаётир. Шаҳар клубларида ўтказилаётган маданий-оммавий тадбирлар ҳозирги кун талабларига жавоб бермаётир.

Шаҳар Советининг ижроия комитети ана шу доимий комиссиялар ишини жонлантириб юбориши ва сайловчиларнинг наказини ўз вақтида бажаришни тўла таъмин этиши лозим.

М. РАҲИМОВ,
И. АҲМЕДОВ,

Қаровсиз кўчалар

Пойтахтимизнинг Куйбишев районидаги «Бирлашган» кўчадан бир марта юрсангиз. Тошкентдек гўзал бир шаҳрда шундай қаровсиз кўча борлигига афсусланасиз. Йўлнинг усти тайёр ахлатхонага айлантирилган, ёзнинг мана шу иссиқ кунларида чириган ахлатларнинг қўланса ҳиди таъбингизни хира қилади.

Кўчанинг бир бошида 7-интернат, иккинчи бошида эса юқумли касаллар шифохонаси жойлашган. Лекин бу муассасалар ҳам ўзлари яшаб турган кўчанинг озодалиги билан қизиқишмайди.

Район коммунал хўжалик бўлими «Бирлашган» ва Ҳамза кўчаларини асфальтлашни шу йилнинг I квартал планига киритган эди. Мана, III кварталнинг бир ойи ҳам ўтиб кетди-ю, асфальт битмайди. Ҳамза кўчасини ремонт қилаётган йўл қурилиши бригадаси ҳар 20 кунда бир марта кўриниш бериб қўяди, холос. Ариқларга ётқизиш учун олиб келинган қувурлар бекорга думалаб ётибди.

Йўл ремонти пайсалга солинаётгани туфайли «Бирлашган» кўча ахлатхонага айланиб қолди.

Куйбишев район коммунал хўжалиги ва район санитария бўлимлари бу иш билан қачон шуғулланишаркин?

Н. НУРЛИБЕКОВ.

Тозалик соқчилари

Пойтахтимизни обод ва кўркам қилишда район саночистка бошқармалари катта роль ўйнайди. Кўчаларнинг санитария аҳволини яхшилаш, ариқ-зовурларни тозалаш, оқин сувларни ифлос қилмаслик, ахлатларни ўз вақтида ташиб кетиш каби ишларни мунтазам равишда амалга ошириш билан шаҳарда умумий тозалик бўлишини таъминлаш мумкин.

Бу соҳада Фрунзе район саночистка бошқармаси (бошлиғи М. Мўминхўжаев)нинг ишлари диққатга сазовордир. Бошқарма коллективи ўз территориясида тозаликни сақлаш иши билан доимий шуғулланади. Вақти-вақти билан якшанбаликлар ўтказиб турилади. Ариқ-зовурларни тозалашда кенг жамоатчилик ёрдамидан фойдаланилади.

Кун сайин обод бўлиб бораётган Чиланзор массивида тозаликка айниқса жиддий эътибор берилаётир. Ўтган 2 ой ичида массивдан 800 тонна ахлат ташиб кетилди. Саночистка ихтиёридаги 4 та автомашинадан рационал фойдаланилмоқда.

Саночистка ходимлари тозаликни сақлаш билан боғлиқ бўлган барча тадбирларни кўпчилик ёрдамида амалга оширишди. Жумладан ахлат яшиклари қўйиладиган жойлар жамоатчилик иштирокида белгиланади. Йиғилган ахлатлар эса ҳар бир кўча ёки квартал бўйича тузилган график асосида ташиб кетилади. Дарҳол тозаланиши лозим бўлган объектларни белгилаш жамоатчи инспекторлар зиммасига юклатилган.

Район меҳнаткашлари тозалик соқчиларининг хизматидан мамнун бўлмоқдалар.

О. ИСҲОҚОВ.

Юлғичлар жазоланмаётир

Чиноз районидаги Энгельс номли колхознинг «Победа» участкасида жойлашган 39-магазин мудири С. Хуснинднова ва сотувчи З. Гилмуддиновлар харидорлар ҳақига хиёнат қилишдан ҳазар қилмайдиган, нопок кишилардир. Ўтган йили улар пайчиларни алдаб товар нархини ошириб сотишганда сирлари фош бўлди. Материал район прокурорига берилди. Ниҳоят, тергов бир неча ой чўзилиб, тамомлангач халқ судига ўтказилди. Иш судга ўтди-ю, сувга чўккан тошдек дом-дараксиз бўлиб кетди. Афтидан халқ судьяси ўртоқ Одилхонов жиноятчиларнинг елкаларини силамоқчига ўхшайди. Бўлмаса иш 3 ойдан бери кўрилмасмиди.

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас. Магазинда ҳозир ҳам товарларнинг устига нарх қўйиб сотишганда сирлари фош бўлди. Материал район прокурорига берилди. Ниҳоят, тергов бир неча ой чўзилиб, тамомлангач халқ судига ўтказилди. Иш судга ўтди-ю, сувга чўккан тошдек дом-дараксиз бўлиб кетди. Афтидан халқ судьяси ўртоқ Одилхонов жиноятчиларнинг елкаларини силамоқчига ўхшайди. Бўлмаса иш 3 ойдан бери кўрилмасмиди.

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас. Магазинда ҳозир ҳам товарларнинг устига нарх қўйиб сотишганда сирлари фош бўлди. Ҳамза кўчасини ремонт қилаётган йўл қурилиши бригадаси ҳар 20 кунда бир марта кўриниш бериб қўяди, холос. Ариқларга ётқизиш учун олиб келинган қувурлар бекорга думалаб ётибди.

Йўл ремонти пайсалга солинаётгани туфайли «Бирлашган» кўча ахлатхонага айланиб қолди.

Куйбишев район коммунал хўжалиги ва район санитария бўлимлари бу иш билан қачон шуғулланишаркин?

Н. НУРЛИБЕКОВ.

ҒЎЗАНИ ҲОЛАТИГА ҚАРАБ ТАБАҚАЛАБ ПАРВАРИШ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИНГ

☆ ☆

КОМБАЙН ҚАНИ?

Чиноз райони марказидаги Карл Маркс номли колхознинг катта йўл ёқасидаги жўхоризорида одам гавжум. 150 га яқин қиз-йигитлар қўлларига ўроқ олиб маккажўхорини ўриб йиғишаяпти.

Ғўза парваришининг айни қизиғилиши, асосий кучлар ҳосилга хосил қўшишга сафарбар этилиши зарур бўлган чоғда жўхорини ўриб силос бостиришда шунча кишининг банд эканини кўриб хайрон бўлдик. Ахир битта жўхори ўрадиган комбайн бўлса бир кунда юз кишининг ишини қилади-ку, наҳотки шундай катта колхознинг комбайни бўлмаса?

— Комбайнимиз бор, — дейди колхоз раиси ўртоқ Халил Салимов, — лекин ремонтда. РТСга топширганимизга икки ойдан ошди. Ҳали тайёр бўлгани йўқ. Тунов куни қисталанг қилиб борган эдим, азамат машинамизнинг аҳволини кўриб юрагим ачиб кетди. Ахир эрта баҳорда олиб бориб лойга ботириб қўйган эканлар, шу бўйи баллонлари ярим газ ерга кирганича ётибди.

РТС директори ўртоқ Кан-Ги-Ендан бу комбайннинг тақдирини сўраган эдик, у айбни ««Ўзсельхозтехника»га юклади. «Ўзсельхозтехника»даги ўртоқлар эса айбни заводларга тўнкашди, зарур запас қисм йўқ, дейишади.

Ҳурматли ўртоқ Кон-Ги-Ен, сиз техника ремонтини уюштиришда ҳаддан ташқари бепарволик қилмоқдасиз. Сизнинг важингиз ҳафсаласизлигингизни яширишга имкон бермайди. Наҳотки жуда зарур бўлган комбайн учун керакли запас қисмнинг тухуми қуриб кетган бўлса?! Сизнинг, сиз раҳбарлик қилаётган ташкилотнинг айби билан бир колхознинг ўзида юзлаб киши қўлига ўроқ олиб ибтидоий тартибда ишлашга мажбур бўлаётир.

Райондаги Карл Маркс номли колхозданми эмас, «Коммунизм», «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозларида ҳам комбайн йўқлиги ва куч етишмаслигидан силосбоп бўлиб етилган маккажўхори поялари офтобда қуриб қолмоқда.

Ш. ҚОСИМОВ.

Маҳбуба Абдулазизова (чапдан) ва Турсун Пардабоева ўртоқлар Пискент районидаги «Гулистон» колхози далаларида фидокорона меҳнат қилиб, мўл ҳосилга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Суратдаги бу пешқадам колхозчи дугоналар ҳамма вақт нормаларини ортиғи билан бажарадилар.

М. Шевелев фотоси.

БОЛАЛАР ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ — БУТУН ЖАМОАТЧИЛИК ИШИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Тошкентда ҳар куни уч юздан кўпроқ болалар муассасаларининг эшиклари кенг очиб қўйилади. Қирқ минг бола уларнинг остоналарини босиб ўтади. Жуда кўп мураббийлар болаларни жонажон она-Ватанга, меҳнатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялайдилар.

3 августа Тошкент шаҳар Советининг навбатдаги сессияси бўлди. Бу сессия мактабгача тарбия муассасалари шохобчаларини кенгайтириш, уларнинг ишини янада яхшилаш масалаларига бағишланди. Шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Р. Нишоновнинг докладида ва бу масалани муҳокама қилишда қатнашган депутатларнинг нутқларида Ватаннинг ёш авлод тўғрисида доимо зўр ғамхўрлик қилаётганлигини кўрсатувчи кўпгина мароқли фактлар келтирилди. Ҳозир шаҳарда 237 болалар боғчаси ва 78 ясли, 14 та бирлашган ясли ва болалар боғчаси ишлаб турибди. Бу муассасалар 39 минг 908 болани ўз бағрида тарбияламоқда. Биргина 1961 йилнинг ўзида болалар муассасаларидаги ўрин 3230 га кўпайди. Бу йил уларнинг сони яна 7055 ўринга кўпаяди.

Шу билан бирга болалар муассасаларида таълим тарбия ишлари, медицина ёрдами кўрсатиш янада яхшиланди. Лекин шаҳарда болалар боғчалари ва яслилари тармоқларининг кенгайтириш ишлари сust олиб борилаётир. Шунингдек айрим маъмурий биноларни болалар боғчалари учун бўшатиб бериш биноларни кенгайтириш, ташкилотлар томонидан боғча ва яслилар қуриш қониқарсиз олиб борилмоқда. Шунинг учун ҳам шаҳарда болалар муассасаларига бўлган танкислик ҳамон бартараф этилгани йўқ.

Шаҳардаги 153-ва 159-қурилиш трестлари болалар боғчалари қуриш планини бажармаётирлар. 2-пойафзал фабрикаси ўзи қураётган бинони ҳамон қуриб битиролмаётир. «Ташсельмаш», «Ташгазоаппарат» заводлари, тўқимачилик галантерея фабрикаси боғча биносини қуришга ҳали киришгани йўқ.

Шу билан бирга сессияда «Ташкенткабель» заводи намуна тариқасида мисол қилиб келтирилди. Бу корхонанинг хўжалик раҳбарлари ва жамоат ташкилотлари болалар тўғрисида доим ғамхўрлик қилмоқдалар. Корхонадаги мактабгача тарбия муассасаларида бир мингдан кўпроқ бола тарбияланмоқда. Якинда 150 ўринли болалар боғчаси фойдаланиш учун топширилди. Тез орада яна 200 ўринли боғча қурилиб бўлади. Заводда ота-оналарнинг ўз болаларини ясли ва боғчаларда тарбиялаш истаги тўла қондириладиган пайт узоқ эмас.

Тошкент тўқимачилик комбинати партия ташкилотининг секретари ўртоқ Сергеева, Октябрь район ижроия комитетининг раиси А. Нурмуҳамедов, кабель заводининг директори К. Сафонов, Ленин район ижроия комитетининг раиси Н. Пискорская ва бошқа сўзга чиққан ўртоқлар болалар муассасалари қурилиши, унинг тармоқларини кенгайтириш вазифалари ва бунда йўл қўйилаётган камчиликлар тўғрисида сўзладилар. «Ўзбексельмаш» заводининг лабораторияси ўртоқ Д. Нурматова шаҳар ижроия комитети, қурилиш ташкилотлари, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалик кенгаши адресига танқидий мулоҳазаларни айтди.

Боғчалар учун турли мебеллар тайёрлаш масаласи ҳам жуда чатоқ. Мебеллар узоқ шаҳарлардан олиб келинади. Уларни ўзимизда тайёрлаш вақти келди. Халқ хўжалиги кенгаши буни ўйлаб кўриши керак.

Тошкент Педагогика институти мактабгача факультетининг декани ўртоқ Недопекина бўлса болалар муассасаси тармоқлари кенгайиши муносабати билан уларда ишлайдиган кадрлар — тарбиячиларни кўплаб етказиш зарурлиги ҳақида гапирди.

Шаҳар Совети сессиясининг қабул қилинган қарорида якин болалар муассасалари тармоқларини кенгайтириш масаласи ҳамда Чиланзор, Оқтепа массиви ва Болгарские огородида типовой сут кухнялар қуриш ишлари суръатини кучайтириш тадбирлари белгиланди.

ШТАТЛАР ИХЧАМ, РАҲБАРЛИК КОНКРЕТ БЎЛСИН

Партия ва ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигини кескин ривожлантиришда колхоз ва совхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлашга, идора бошқарув аппарати штатидаги ортиқчаликларни қисқартириб ихчамлаштиришга ҳамда колхоз ва совхозларнинг раҳбар ходимларига меҳнат ҳақи тўлашни тартибга солишга катта аҳамият бермоқда.

Областимиз хўжаликларида ана шу соҳада бажарилиб ишлар қилинди.

Шу йилнинг беш ойи мобайнида область колхозларида идора бошқарув аппаратида ишловчи хизматчилардан 2056 киши қисқартирилди. Натижада меҳнат ҳақи фонди ҳисобидан 1412,2 минг сўм иқтисод қилиб қолинди. Совхозлар бўйича эса бошқарув идора аппарати ва ишлаб чиқаришда хизмат қилувчи кишилардан 661 штат қисқартирилди. Уларга бир йил давомида 341,6 минг сўм тўланарди.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, ҳали кўпгина колхоз ва совхозларда идора бошқарув аппаратида ишловчиларнинг сони ҳаддан ташқари кўп, уларга меҳнат ҳақи тўлашда ҳам ортиқчаликлар бор.

Гулистон районидаги «Ленинизм» колхозида идора бошқарув аппаратида ишловчи ходимларнинг сони бу йил ўтган йилдагига қараганда кўпайтириб юборилган. Жумладан колхоздаги икки участкада агроном — ҳосилотлар, 16 ҳисобчи, 9 қоровул, 3 омбор мудири ва ҳоказо лавозимлар бор. Хўжаликда ҳаммаси бўлиб 83 раҳбар ходим бор, уларга бир йил давомида 58 минг сўм пул тўланади.

Комсомол районидаги Ленин номли колхозда ҳам худди шундай аҳволни кўрамиз.

Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхозда 1310 гектар ерда 19 далачилик бригадаси ташкил этилган. Ҳамма бригадаларда ҳам ҳисобчилар бор. Бригадаларнинг кўпчилиги майдалаштириб юборилган. Масалан, ўртоқ Ш. Саматов бригадасида 17 колхозчи бўлиб, улар 8 гектар узумзорга қарашади. Шуниси ажабланарлики, бригадада ҳисобчи ҳам бор. Биркитилган майдонни қаранг-у, бу ерга раҳбарлик қилувчи кишиларнинг сонини қаранг.

Янгиер районидаги «Коммунизм» колхозида ҳам идора бошқарув аппарати ходимларининг сони 158 кишига етади. Ҳар бир бригадада ҳисобчи бор. Колхоз раисининг уч ўринбосари борлигини айтмайсизми?!

Раҳбарлик лавозимида ишловчи кишиларга ортиқча ҳақ тўлаш ишни деҳқончилик ва чорвачилик ишлари билан бевосита шуғулланувчи колхозчиларнинг оладиган даромадига озмунча зарар келтираяпти дейсизми?

Комсомол районидаги Карл Маркс номли колхозда ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланувчи ходимлар ва хўжалик мудирларининг ойлик иш ҳақлари колхозчиларнинг ойлик иш ҳақидан икки баравар ошиқ тушган. Бир қатор колхоз ва совхозларда хотин-қизларнинг унумли меҳнат қилиши учун ҳалқ ҳам зарур маданиймаиший шароитлар яратилмаган, хотин-қизлардан жуда кам киши табелчи, ҳисобчи ва раҳбарлик лавозимларида ишлайди.

Колхоз ва совхозларнинг идора бошқарув аппаратларида штатларнинг ортиқчалиги ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасидаги тартибсизликлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархининг бирмунча қимматлашиб кетишига, колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигининг пасайишига, натижада пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун олиб борилаётган курашнинг сусайишига олиб келмоқда. Буларнинг ҳаммаси шуни кўрсатадики, район партия комитетлари, район ижроия комитетлари ва биринчи навбатда территориал ишлаб чиқариш бошқармалари колхоз ва совхозларда идора-бошқарув аппаратини ихчамлаштириш масалалари билан етарли шуғулланмаётирлар.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, территориал ишлаб чиқариш бошқармалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармаси колхоз ва совхозларда бошқарув аппаратларини тинмай такомиллаштириш, ихчамлаштириш юзасидан доимий иш олиб боришлари лозим. Бўлимлар ва фермаларни, трактор-далачилик ва далачилик бригадаларини йириклаштириш, бўлим бошлиқлари ва ферма мудирлиги вазифаларини агрономлик, зоотехниклик вазифалари билан бирга қўшиб юборишни йўлга қўйиш лозим.

Колхозларнинг раҳбар ходимларига меҳнат ҳақи тўлашни ҳам тартибга келтириш керак, токи улар оладиган ҳақ совхоз директорларининг оладиган ҳақидан ортиб кетмасин. Шу билан бирга КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ҳамда ВЦСПСнинг 1961 йил 15 июлдаги совхоз ходимлари ва қишлоқ хўжалигининг бошқа давлат корхоналари ходимларига ҳақ тўлаш шартлари тўғрисидаги қарорининг бажарилишини таъминлаш юзасидан контролликни кучайтириш лозим.

Колхозларда даромаднинг тақсимланиши ва колхозчиларга ўз вақтида аванс бериб турилиши устидан партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ҳамма вақт контроллик қилиб борсинлар. Ана шу тадбирлар ўз вақтида амалга оширилса қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг активлиги ортиб боради, олинган план ва социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилиши учун шарт-шароит яратилади.

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАЛАРИ

АСАЛАРИ ВА ПАХТА ҲОСИЛИ

Асалари асал ҳамда мўм беришдан ташқари, ўсимликларни гул даврида чангланиш билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Кейинги йилларда пахтадан юқори ҳосил олишда асаларидан фойдаланиб, бир қанча тажрибалар қилинмоқда. Қўйида Янгийўл район Нов қишлоқ советидаги «Ленинизм» колхозида олиб борилган шундай тажриба ҳақида тўхталмоқчимиз.

Колхозда юз гектарлик картанинг ҳар беш гектарига бир яшикдан асалари қўйилди. Асалариларга узоқ бўлмасин учун яшиклар ғўза карталарининг ўртасига, бирбиридан 0,5 километр масофада ўрнатилди. Ғўзанинг гуллаши колхоз далаларида, айниқса кейинда қолган участкаларда июлдан бошланиши эътиборга олиниб, арилар ҳам шу вақтга тўғрилаб, ғўза карталарига жойлаштирилди. 108-Ф навли ғўза учун бу тажриба яхши натижалар берди. Чунки 108-Ф навли ғўзанинг гулдонлари катта очилади. Шунинг учун ҳам гулнинг ичидаги нектарларини (ширин моддасини) олиш учун асалари ўнғайлик билан киради. Сўнг шу гулнинг чангини оёқлари билан ялаштириб олиб чиқади. Бошқа ғўза тупларининг гулларига кириб уни қўшади. Натижада ғўзанинг бу гуллари тезроқ қўсакка айланади.

Асаларилар ғўза қийғос гуллаган даврда «овга» эрта соат 6 дан 10 гача, кечқурун то соат 6 дан 8 яримгача чиқиб, ғўзанинг гулларини чатиштиришга актив қатнашадилар. Текшириш бир ари бир минутда иккита гулга кириб чиқиши мумкинлигини кўрсатди. Айрим арларнинг қанотлари бўяб қўйилиб, кузатилди. Ари 3 километргача «ов» қидириб борар экан.

Колхоздаги 6—7—8-пахта бригадаларида асаларининг ёрдами билан 9-контроль участкага қараганда ғўзанинг гулдан кўсакка айланиши 6—8 кун тезроқ бўлди ва ҳосилнинг тўкилиши ҳам бир қанча кам бўлди. Арилар қўйилган участкаларда пахта ҳосили ҳар гектардан 2—3 центнердан кўпроқ олинди. Бу ерларда ҳосил 8 кун илгари етилди.

Биз тажриба ўтказган бригадаларда ҳашоратларга қарши кураш ишини асосан июль ойигача тамом қилиб, асаларилар қўйилган жойга заҳарли дориворларни ишлатмадик, акс ҳолда асаларилар қирилиб кетар эди.

Юқоридаги тажрибаларга асосланиб, пахта далаларига ғўзанинг гуллаш даврида асаларилари чиқариб қўйиш фойдали экан деган хулосага келдик.

С. ҚАЮМОВ,
биология фанлари кандидати.

ТАЛАБ ЗЎР

«Таштекстильмаш» маркаси билан чиқарилаётган машиналарга фақат Иттифоқимизнинг тўқимачилик корхоналаридагина эмас, балки чет элларда ҳам талаб зўр. Буни ҳисобга олган завод коллективи экспорт қилиш учун машиналар ишлаб чиқаришни тобора кўпайтирмоқда. Чет эл мамлакатларининг заказларига «яшил йўл» эълон қилинган.

Яқинда корхонадан Корея Халқ Демократик Республикаси, Польша ва Бирлашган Араб республикасига 100 дан ортиқ «П—66—5» маркали йигирув машиналари жўнатилди.

Бошқа мамлакатларнинг заказлари ҳам муддатидан илгари бажарилмоқда.

Р. СОБИТОВ.

ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШАЁТГАНЛАР

Бекобод районидаги Ленин номли колхоз пахтакорлари шу кечакундузда экиларни яна ҳам серҳосил қилиб ўстиришга ҳаракат қилмоқдалар. Колхознинг М. Эрматов бошчилик қилаётган бригадаси аъзолари июль ойи давомида фидокорона меҳнат қилиб, ҳар туп ғўзада 4-5 тадан бўлиқ кўсак ва 7-8 тадан шона ҳосил қилишга муваффақ бўлдилар.

— Бизнинг август ойидаги энг муҳим вазифамиз, — дейди бригада бошлиғи ўртоқ М. Эрматов, — тўпланган ҳосилни тўла сақлаб қолиш, шоналарни бўлиқ кўсакларга айлантириш ва ҳосилни тезроқ етилтириш эришишдан иборат. Бу вазифани бажариш айтишгагина осон. Пахтакорларимиз ана шуни назар-эътиборга олиб, ҳозирги долзарб кунларни зое кетказмаслик мақсадида бор имкониятларни ишга солмоқдалар.

Ҳа, бригадир ҳақ гапни айтди. Чиндан ҳам бу бригада пахтакорлари ўзларининг бу йилги орзуларига эришиш йўлида бошқаларга ўрнак кўрсатиб ишламоқдалар. Бу ерда айниқса, суғориш ишларига алоҳида эътибор берилаяпти. Сувчиликда анча-мунча тажриба орттирган Абдуллажон Аҳмедов ва Мамажон Мирзақулов сингари ўртоқлар ғўзаларни «шарбат» суви билан қондириб суғормоқдалар. Бу моҳир сувчилар жўякларга най усулида сув тарашни пухта ўзлаштириб олганлар. Шунинг учун ҳам улар кунлик топшириқларини доимо 1,5-2 ҳиссага етказиб адо этмоқдалар.

Мавжуд 108 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 24 центнер ўрнига камида 27 центнердан «оқ олтин» ҳосили ундиришга астойдил бел боғлаган бригада аъзолари суғориш билан бир қаторда ғўзага комплекс ишлов беришни ҳам сира бўшаштирмаяптилар. Шу кунга қадар барча майдондаги ғўзалар тўрт марта комплекс парваришдан чиқарилди.

Б. САФАРОВ.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

КОЛХОЗЧИЛАРГА ҚУЛАЙ БЎЛДИ

— Тўйтепага борадиган зарур ишим чиқиб қолди. Катта кўчада туриб машина кутабошладим. «Тошкент-Ангрен» автобуси келаётганини кўриб «ишим ўнгидан келиб қолди, машина ҳам келаяпти» деб қўлимни баланд кўтардим, лекин шофер менга парво қилмай «виз» этди-ю, ўтиб кетаверди. Унинг кетидан «Тошкент-Олмалиқ», «Тошкент-Красногорск» автобуслари ҳам кетма-кет тўхтамай ўтиб кетаверди. Шунинг учун 8 километр йўлни яёв юришга тўғри келди. Колхозимиз меҳнаткашлари ранон марказига зарур ишлар билан бориб турадилар, лекин биронта пассажир машина шу ерда тўхтамайди.

Текшириш ва чора кўриш учун юборилган юқоридаги мазмунли хатга область автобуслар трестининг бошлиғи ўртоқ Ражабов редакцияга қуйидаги жавобни юборди:

Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхози меҳнаткашларининг талаби қондирилди. «Олмалиқ—Тўйтепа», «Красногорск—Тошкент» маршрутларида қатнаётган машиналарга «Коммунизм» колхозида тўхтаб ўтиш ҳақида шоферларга кўргазма бериш ва шу ерга тўхташ белгисини қўйиш 45-Олмалиқ автобазасининг директори ўртоқ Х. Р. Рашидовга топширилди.

Чет элларда нима гап

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШ ИШИГА ҚУШИЛГАН ЖУДА КАТТА ҲИССА

РАНГУН, 2 август. (ТАСС). Н. С. Хрушчевнинг ёппасига қуролсизланиш ва тинчлик учун курашга бағишланган жаҳон конгрессида сўзлаган нутқининг тўлиқ тексти бирма тилида «Қурол-яроғларни тугатиш — тинчликка эришиш йўлидир» деган сарлавҳа остида брошюра қилиб чиқарилди. Брошюра беш минг нусхада нашр этилди.

Бирмадаги «Восток» нашриёти брошюранинг муқаддимасида Н. С. Хрушчевнинг нутқи — тинчликни таъминлашдан иборат бирдан-бир тўғри йўлдан бораётган буюк армия ишига қўшилган жуда катта ҳисса, деб таъкидлайди.

ИҒВОГАРЛАР ТИНЧИМАЁТИР

ГАВАНА, 3 август. (ТАСС). Америка империалистлари Кубага қарши иғвогарлик ҳаракатларини давом эттирмоқдалар. АҚШ қуролли кучларининг кораблларида ва ҳарбий самолётлари Куба Республикасининг территориал сувларига ва ҳаво масофаларига ҳамиша бостириб кирмоқдалар.

Революцион қуролли кучлар министрлигининг кеча эълон қилинган ахборотида айтиладики, 23 июлдан 31 июлгача ўтган давр ичида Қўшма Штатлар ҳарбий денгиз флотининг жанговар кораблларининг Кубанинг территориал сувларига бостириб кириб, кеча-кундуз Гавана ва Мариэль портлари ёнида турдилар. Жосус кораблларнинг жаҳондаги турли мамлакатлар кораблларининг Куба портларига кириши ва чиқишини кечаси ва кундузи кузатиб туришга имкон берадиган жуда кучли радар установкалари билан таъминланган. АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг жосуслик фаолиятида илмий тадқиқот кемаси ҳам қатнашмоқда. Бу кема 31 июль эрталаб Мариэль порти районидаги Куба ҳарбий кораблларига бир миля масофада яқинлашган.

Революцион қуролли кучлар министрлигининг ахборотида сўнгра айтиладики, икки кун ичида — 31 июль ва 1 августда Америка ҳарбий самолётлари йигирма марта Кубанинг ҳаво чегарасини бузиб ўтдилар.

Кубанинг территориал сувларига ва ҳаво масофаларига бостириб киришдан ташқари Гуантанамо ҳарбий денгиз базасидаги американлик солдатлар 31 июль эрталаб Куба территориясига қарата етти марта ўт очдилар.

ВЕНЕСУЭЛА АМЕРИКА БАЗАЛАРИГА ҚАРШИ

КАРАКАС, 3 август. (ТАСС). АҚШ ҳукумати Венесуэла ҳукуматига мурожаат қилиб, Венесуэла территориясида сувости кемалари ва самолётлар учун иккита ҳарбий база қуришга рухсат беришни сўради. «Кларин» газетаси шу ҳақда хабар бериб, «Венесуэланинг барча жамоат доиралари, ҳатто расмий доиралар ҳам ҳарбий базаларнинг вужудга келтирилишига қарши эътироз билдирмоқда», деб таъкидлайди.

Университет марказлари федерациясининг вакиллари ТАСС мухбирларига АҚШнинг Венесуэлада ҳарбий базалар қуриш ҳақидаги илтимоси студентлар орасида ва мамлакатнинг бутун халқида норозилик туғдирди, деб айтдилар.

ЖАЗОИР РАҲБАРЛАРИ ЎРТАСИДА БИТИМГА ЭРИШИЛДИ

ЖАЗОИР, 2 август. (ТАСС). Жазоир Республикаси Муваққат ҳукумати раиси ўринбосари Бен Белланинг вакили Муҳаммад Хидер билан Жазоир Республикаси Муваққат ҳукумати раисининг ўринбосарлари Крим Белқосим ва Муҳаммад Будиаф ўртасида кейинги кунларда Жазоирда олиб борилган музокаралар натижасида битимга эришилганлиги бу ерда эълон қилинди.

Эълон қилинган қўшма ахборотдан маълум бўлишича, қуйидаги уч асосий масала: Миллий озодлик фронтининг сиёсий бюросини тузиш, миллий таъсис мажлисига тахминан 27 августда сайлов ўтказиш ва шу сайловдан кейин бир ҳафта ўтганда Жазоир революцияси миллий кенгашини чақириш тўғрисида битимга эришилган.

Муҳаммад Будиаф Тлемсенда июль ойининг ўрталарида эълон қилинганича, етти кишидан иборат бўладиган сиёсий бюрога киришга розилик эканлигини хабар қилди.

ҒАРБИЙ БЕРЛИН МАЪМУРЛАРИНИНГ ИҒВОГАРЛИК ҲАРАКАТЛАРИ

ҒАРБИЙ БЕРЛИН, 2 август. (ТАСС). Ғарбий Берлин маъмурлари кеча яна бир кўпол иғвогарлик қилдилар. Ички ишлар сенатори Альберцнинг буйруғига мувофиқ, полиция отрядлари кунинг иккинчи ярмида Германия Демократик Республикаси бошқармасига қарашли шаҳар темир йўлининг Ғарбий Берлиндаги ҳамма станцияларига бостириб кирдилар ва шаҳар темир йўлининг «Ботанишер Гартен» станциясида 20 июлда бомбадар портлатган жиноятчиларни қидириш тўғрисида Германия Демократик Республикасининг транспорт полицияси осиб қўйган эълонларни йиртиб ташладилар ёки қора бўёқ билан бўядилар. Бу ҳужумда Ғарбий Берлин полицей-президенти Дюнзинг қатнашди. У ички ишлар сенатори Альберц билан бирга станциялардан бирида пайдо бўлди.

Полициячилар бомбалар портлатган жиноятчиларни Ғарбий Берлин полицияси ҳам қидирмоқда, деган таассурот туғдириш мақсадида, бўяб ташланган эълонлар ўрнига ўз эълонларини ёпиштирдилар. Ғарбий Берлин полицияси қилган бу ҳужумнинг ҳақиқий сабабларидан эътиборни четга тортиш мақсадида Альберц баёнот бериб, шаҳар темир йўлининг Ғарбий Берлин участкасида тартиб сақлаш ҳамда қилинган ҳамма жиноятларни текшириш Ғарбий Берлин полициясининг компетенциясига киради, деб даъво қилди.

Хельсинки. Ёшлар ва студентларнинг VIII Жаҳон фестивалида. Суратда: Детройтдан келган студентка Стефаня Аллан, москвалик турист Владимир Коновалов ва Ньюйорклик студентка Настя Черняевска «Грузия» теплоходи бортида бўлиб ўтган «СССР-АҚШ» учрашуви вақтида.

ТАССнинг махсус мухбирлари Е. Кассин ва В. Генде-Роте фотоси. (Фото телеграф орқали олинган).

ГАНА ХАЛҚИ ДАРРАЗАБ

ПАРИЖ, 3 август. (ТАСС). Гана президенти Кваме Нкрумага ёвузларча суиқасд қилинганлиги тўғрисидаги хабар Гана халқини қаттиқ ғазаблантирди.

Франс Пресс агентлиги мухбири Аккрадан хабар беради: Гана конвенти халқ партияси билан боғланган ташкилотлар президент Кваме Нкрумаанинг жонига қасд қилишда жавобгар бўлган кишиларга ўлим жазоси берилишини талаб қилдилар.

Кеча Аккрада оммавий намойиш бўлди. Намойишчилар фашизмга ва империализмга қарши шиорлар айтиб, шаҳар кўчаларидан ўтдилар.

Намойишда Гана фермерлар бирлашган кенгаши, Гана хотин-қизлари миллий кенгаши, «Гана ёш пионерлари» ташкилоти қатнашди.

ТЕЛЕГРАФ ЛЕНТАСИДАН

✦ **Пхеньянда Кореянинг Совет Армияси томонидан озод қилинганлигининг 17 йиллигига бағишлаб, драма санъатининг Умумкорея фестивали очилди.**

✦ **Польша пойтахтининг аҳолиси 1 августда Варшава қўзғолонининг 18 йиллиги кунида гитлерчиларга қарши қаҳрамонона курашда халок бўлган курашчиларнинг хотирасини ҳурмат билан эсга олди. Номаълум солдат қабрига, ёдгорлик жойлари ёнига гулдасталар ва гулчамбарлар қўйилди.**

✦ **Дар-эс-Саломда хотин-қизларнинг биринчи Бутунафрика конференцияси ўз ишини «амомлади. Хотин-қизларнинг Африка мамлакатларининг мустақиллиги учун курашдаги, социал ва иқтисодий тараққиётдаги ролига доир масалалар, хотин-қизларнинг снёсий ташкилоти ҳақидаги масалалар ва бошқа проблемалар муҳокама қилинди. Ташкилотнинг устави қабул қилинди.**

✦ **Сувайш каналининг маъмурияти канал орқали кўприк қуриш планини ишлаб чиқди. Кўприкнинг узунлиги 317 метр, кенглиги эса 148 метрдир.**

✦ **Англияда картошканинг етишмаслиги ана шу маҳсулотни импорт қилишни кескин равишда кўпайтиришга олиб келди. Картошка билан бирга мамлакатга колорадо қўнғизи ҳам олиб келинди. Фермерлар бу ҳақда махсус огоҳлантирилди, эълон қилинди.**

✦ **Хольм яқинида (Германия Федератив Республикаси) осмонда бундесвернинг икки машқ самолёти тўқнашди. Бир самолёт йиқилиб тушди, иккинчи самолёт эса шикастланди, лекин аэродромга қўна олди. 4 киши ҳалок бўлди. (ТАСС).**

РАДИОТОЧКАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Калинин районидаги Кўктерак радиоузели шу ердаги ёғоч заводи, Колес посёлкаси аҳолиси, «Ленинизм» ва С. Раҳимов номли колхозларнинг аъзоларига хизмат кўрсатади. Ўтган йили радиоточкаларининг сони 1200 та эди. Бу йил эса ана шу рақам 1500 тага етказилди.

Уз ишига садоқат билан қаровчи ўрток К. Маҳкамов бошлиқ радистлар ҳар бир хонадондаги радиоточкаларнинг кормал ишлаши, радиоузел эшиттиришларининг аниқ бўлиши тўғрисида астойдил қайғирадилар. Радистлар шу йилнинг биринчи ярмида «Ленинизм» колхозидаги ҳамма хонадонларга радиоточкалари туширидилар. Шу кунларда эса Собир Раҳимов номли колхозни ёппасига радиолаштириш ишлари олиб борилмоқда.

А. ЭШМАТОВ.

Биласизми?

● Киши организмининг тахминан 65 процентини сув ташкил этади. Бу миқдор ҳайвонларда 60—65 процент, балиқларда 80 процент, сув ўсимликларида 95—99 процент, ерда ўсадиган ўсимликларда 50—75 процент бўлади.

● Киши организмидаги сувнинг 10—20 процентининг йўқолиши ўлимга олиб келади.

● Инсоннинг бир суткада истеъмол қиладиган суви 2,5 литрдан 4 литргача бўлади. Тропик мамлакатларда эса кишилар қариб 7 литргача сув истеъмол қилади.

● Одамлар ёмғир сувини тоза дейишади. Шу тўғрими? Узингиз ўйлаб кўринг: ҳар 10 килограмм ёмғир сувида ўрта ҳисобда 340 грамм ҳар хил модда бўлади.

● Денгиз сувида арзимаган миқдорда бўлса ҳам ер қобиғидаги элементларнинг ҳаммасидан бор.

● Денгиз сувининг бир кубометрида 0,008 миллиграмм олтин бўлади. Бу жуда ҳам арзимаган миқдордир. Лекин дунё океанининг запасини ҳисобга оладиган бўлсак, денгиз сувида 10 миллион тонна қимматбаҳо металл эригалигини кўрамиз. Ана шунча миқдордаги олтиндан томонларининг баландлиги 800 метрга етадиган куб қуйиш мумкин бўларди.

● Қизил денгиз дунёда энг шўр денгиз ҳисобланади. Ундаги тузларнинг концентрацияси 4 процентга боради. Энг чучук денгиз — Болтиқ денгизидир.

● Ҳар йили дарёлар дунё океанига 37 минг куб километр сув олиб келади.

● Агар дунёдаги мавжуд сувни ер сатҳига баравар қилиб тарқатилса, у ҳолда ер шари 3795 метр қалинликда сув билан қопланган бўлур эди.

Спорт

РЕСПУБЛИКА БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

«Меҳнат» жамиятининг Тошкентдаги сув станциясида сувга сакраш бўйича республика шахсий команда биринчилиги мусобақалари тўрт кун давом этди. «Спартак», «Меҳнат», «Локомотив», «Буревестник» жамиятларининг 28 спортчиси ва бошқа командаларнинг аъзолари 1962 йил Ўзбекистон чемпиони номини олиш учун курашдилар.

Қизлар орасида спартакчи В. Пинилипко 3 метрли трамплиандан туриб 10 метрли вишкадан сувга сакраб республика чемпиони номини олди, ҳамда катталар учун биринчи разряд нормасини бажарди. Ёшлар орасида эса В. Коровин («Спартак») голиб чиқди. С. Юнахтова («Буревестник») бир қанча машқни усталик билан бажариб, 123,71 балл тўплади ва республика чемпиони номини олди. Эркаклар орасида А. Лившицкий («Буревестник») 136,10 балл тўплаб, голиб чиқди.

Команда ҳисобида ўсмирлар ва қизлар орасида пойтахт спартакчилари, хотин-қизлар ва эркаклар орасида меҳнатчилар коллективи голиб чиқди. Умумкоманда ҳисобида «Меҳнат» спортчилари биринчи ўринни олиб, 1962 йил республика чемпиони бўлдилар. «Буревестник» командаси иккинчи, спартакчилар учинчи ўринни эгалладилар.

Мусобақа ғолибларига қимматбаҳо совғалар ҳамда спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи республика Советининг дипломлари топширилди. Мусобақа ғолиблари шу йил сентябрь ойида Минск шаҳрида ўтказиладиган мамлакат биринчилигида қатнашадилар.

Л. ПЬЯНЦЕВ.

Ҳужумчилар ёмон баҳо олди

Чирчиқ шаҳрида «Б» классида мамлакат биринчилиги учун курашаётган «Химик» командаси «Пахтакор» («Политотдел» колхози) футболчилари билан навбатдаги учрашувни ўтказди. Ўйиннинг дастлабки минутлариданоқ ҳужумчилар ҳимоячиларга қараганда ожизлик қила бошладилар. Ҳар иккала команданинг ҳимоячилари ҳужумчиларни дарвоза томонга ўтказишмади. Ўйиннинг биринчи ярмида дарвозалар олдида деярлик хавфли вазият вужудга келмади.

Иккинчи тайм бошланганда чирчиқликлар ташаббусни қўлга олдилар. Лекин бу ташаббус дарвозага тўп киритиш билан якунланмади. Майдондаги вазиятга қараганда ҳар икки дарвозага ҳам бир нечта тўп киритиш мумкин эди. Бироқ ҳужумчиларнинг ҳал қилувчи пайтда дарвозага тўпни аниқ тепаолмасликлари, штраф майдонидаги ортиқча ҳаракатлар, жуда кўп техник брак натижасида бу иккинчи учрашув ҳам дуранг бўлиб тугади. (Биринчи учрашувда ҳисоб 2:2 бўлган эди).

Шу сабабли команда тренерлари А. Григорянц ва Д. Шегай ҳамда тамошабиқлар ҳужумчиларнинг ўйинини ёмон баҳолашди.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

ЖАНГОВАР ДУРАНГ

Тошкентлик футболишқибозлари Европанинг яна бир кучли командаси билан таништилар. 3 августда «Пахтакор» стадионида майдон эгалари Германия Демократик Республикасининг терма олимпиада командаси билан учрашдилар.

Дўстлик учрашувининг 14-минутида меҳмонлар ҳужумчиси «Пахтакор» ҳимоячиларининг хатосидан фойдаланиб ҳисобни очди. Шундан 6 минут кейин В. Тажиров ҳисобни тенглаштирди. Ўйиннинг иккинчи бўлимида рақиблар дарвозаларига яна битта-дан тўп киритилди. Бу тўплар 11 метрдан берилган штрафдан урилди. Кескин кураш билан ўтган бу халқаро ўртоқлик учрашуви 2:2 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. Бу натижа тошкентликларнинг кучли рақиб билан беллаша олишини кўрсатди.

П. ЛЕОНОВ.



Бўстонлиқ районида янги мактаб-интернат қуриб фойдаланишга топширилди. Янги ўқув йилидан бошлаб бу тарбия ўчоғида район меҳнаткашларининг 930 фарзанди тарбия олабошлайди. Суратда: мактаб-интернатнинг умумий кўринниши.

О. Левак фотоси.

АПН — Новости (Маълумот жўнатмаси)

РАКЕТАЛАР ДЕНГИЗДАН УЧИРИЛМОҚДА

СУВОСТИ КЕМАДАН РЕПОРТАЖ

Бу таассуротлар Баренцово денгизида Раиси Н. С. Хрушчев машқни «Ушаков» крейсер бортидан кузатиб турган Шимолий Флот матрос ва офицерларининг ўтказилган машқлардан олинган, АПН мухбирлари ракеталар учирилган сувости кемаларида ҳозир эдилар. Министрлар Советининг тураркан, шонли маҳоратига юқори баҳо берди.

УЛАРНИ «ДЕНГИЗ ҲУЖАЙИНЛАРИ» ДЕЙИШАДИ

Тўлқинлар бу қояли ерни кўпдан бери қаҳрғазаб билан кемиравергандан у гўё ўтмас тиғли аррага, эски тош панжарага ўхшаб қолган.

Булутли кўрфазлардан бирида сувости кемалари базаси жойлашган. Бизни шу ерга олиб бордилар. Кема тўхтайдиган жойда турли мақсадлар учун қўлланадиган хилма-хил ракетали кемалар саф тортиб турибди.

Кекса офицерлар уруш йилларидаги «митти» ракеталарни яхши эслайдилар. Ҳозирги замон биринчи ранг сувости кемасининг биттасига ўшандай «митти»ларнинг ўндан ортиғи сиғиб кетган бўлар эди. Бу кеманинг энг тубидан тортиб то ҳужрасига қадар баландлиги етти қаватли уйнинг баландлигига тенг келади. Бундай кемада илғор техниканинг энг сўнгги ҳамда энг такомиллашган ютуқлари қўлланиши ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Давримизнинг сувости кемаси ўнларча минг миль масофани босиб ўтиши мумкин. У ҳафталаб сув бетига чиқмайди. Ер шарида унинг қуроли бориб етмайдиган районлар йўқ.

Сувости кемаларни бошқарадиган одамлар алоҳида сифатга эга бўлишлари лозим. Мен техника маълумоти ва амалий тажрибаларнинг юксак даражада бўлиши ҳақидагина гапираётганим йўқ. Бу, албатта, ўз-ўзидан маълум. Сув остидагиларнинг тор ва чегаралланган кенглиқда сузиш вақтлари тобора орта боради. Улар сув тагида юрганда ҳафталаб устиларидаги осмонни кўришдан маҳрум бўлишлари мумкин. Бунинг учун яхши машқ қилган, мустаҳкам нервли, ғайритабиий иродали ва жасоратли кишилар керак.

Сувости кемалар ҳарбий техниканинг бошқа турларига нисбатан бир неча афзалликларга эга. Агар ракета ташувчи самолётлар учгандан сўнг ажал юкини маълум соатлар ичида ташлашга мажбур бўлса, кема эса, жанговар тайёр ҳолда қўмондонлик лозим топган вақтгача буйруқ кутиб туради. Агар ер устидаги базалар маневр қилишдан маҳрум бўлсалар, кема океан тубига ёшириниб, ўзини сақлашдек катта имкониятларга эгадир.

Доим сафарбар ҳолда турадиган сувости кемалар душман учун кутилмаганда тактик қуролдан оператив-стратегик қуролга айланадилар.

БАРМОҚ КНОПКАНИ БОСГАНДА

Вазифа белгиланган районга етиб олишдан иборат эди. Бу ердан эса бир неча юзлаб километр узоқликда жойлашган ер устидаги нишонга қараб группали отишни амалга ошириш лозим.

Кема белгиланган нуқтага чиқиб, ўт очиш учун бошланғич маррани эгаллади. Қандайдир вақт орасида ҳаёт-фаолият маркази бош қўмондонлик пунктидан старт пульти ўрнашган хонага ўтади. Шчитда чироқ ёниб, бу ишдан бехабар кишилар ҳеч нима тушунмайдиган «упредитель», «отсечка» деган ёзувлар пайдо бўлади...

Мен командирнинг қўли — битта бармоғи — «старт» деб ёзиб қўйилган кулранг резина кнопкага текканини кўриб турибман.

Ракета двигателлари ишга тушади. Кема шовқун-суронга тўлиб, унинг корпуси кучли титрай бошлайди. Секундлар ўтади ва қаттиқ портлаш натижасида ракета юзага қараб отилади.

Бу ҳодиса секундлар давомида рўй берган эди. Шунда мен ҳақиқий жанговар вазиятни ва ажойиб кишиларни кўрдим, уларнинг чеҳрасидаги ифода ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Бундан ўн минутлар чамаси илгари барча хоналарни қўғирқдек овозлари билан тўлдириб турган аскнячи ва қизиқчилар, ўткир ҳазилкашлар бир зумда гапга хасис ва совуққон бўлиб қолдилар. пешона ажинлари тортилиб, қисқа, аниқ имо-ишоралар билан ҳамма нарсани дарров фаҳмлаб ва кўриб оладиган қиёфага кирдилар.

Отиш қийин бўлди, чунки бир нечта кемалардан ракеталар деярлик бир пайтда учирилиши лозим эди. Секундомер стрелкаси белгиланган жойга етгач, биз турган кемадан кўп тоннали ракета кучли зарб билан узилиб чиқиб, намликка ғарқ бўлиб ётган йироқликда ғойиб бўлди.

Кема оғабошлади ва тезда мувозанатни тиклаш учун махсус цистернага сув шарнллаб оқабошлади. Кема душман шикаст етказмаслиги учун иложи борича пастлиққа қараб кетади...

Совет сувости кемалари сув устидан ҳам, сув остидан ҳам отаоладилар. Буғ ва тутунлар орасидан урчуқсимон ракета пайдо бўлади ҳамда қандайдир вақт ичида сув бетида қалқиб тургандек туюлади.

Лекин тенгсиз куч бу ракетани тобора юқорига олиб чиқади ва гўё ҳеч нарса бўлмагандек ракета кўздан ғойиб бўлиб кетади.

Шу куни учирилган барча ракеталар мўлжалланган нишонга бориб тегди.

ҚОРА КАМЗУЛ КИЙГАН КИШИЛАР

Флот, айниқса сув ости кема, жуда катта техника билими, умумий маълумот ва маданият талаб қилади. Кема қанчалик катта бўлса, уни бошқариш шунча мураккаб бўлади.

Мен энг масъулиятли пайтда, масалан ракетага старт берилаётган вақтда сувости кемасининг командири кетма-кет команда беришга зўрға улгураётганини кўриб турдим. Бу ердаги вазият ишни фақат бенуқсон билишни эмас балки тажриба орқали қўлга киритиладиган маълум автоматизмни ҳам талаб қилади. Шунинг учун доимо имкон бор вақтда машқ қилиш, жуда кўп ўқиш керак.

Сув остидаги офицер ва матросларнинг ўзига хос муносабатлари бор. Улар ҳар қандай такаллуфдан ҳоли, ҳаддан ташқари оддий, инсонпарвар ва бир-бирларини жуда яхши биладилар.

Лекин гап фақат қийинчиликни баробар тақсим қилиниššидагина эмас. Баъзан матросларнинг флотга етарли тайёргарликсиз келадилар. Уларни ўқитиш керак.

Тартиб бўйича улар бу ерда янги касб ўрганадилар, бу касб демобилизациядан сўнг ҳам керак бўлади.

Машғулотни офицерлар олиб борадилар. Узоқ шахсий машғулотлар давомида одамларни яқинлаштирувчи, бир-бирига ўзаро ишонч ва тушунча ҳосил қилувчи мустаҳкам алоқа пайдо бўлади.

Флотга янги келган ёш офицерлар ҳам ўз навбатида матросларнинг бир неча йиллар давомида тўплаган тажрибаларини ўрганишдан тортинмайдилар.

Штаб бошлиғи, бизга янги техника ҳақида гапира туриб шундай деди: «Томонлардан бирининг ҳар қандай техник устунлиги бошқа томонда ҳам шу турдаги қуроллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўли билан йўқотилиши мумкин. Лекин бизнинг бошқаларга кўчмайдиган битта устунлигимиз бор. У ҳам бўлса одамларимиздир. Булар — онгли ва Ватанга чексиз садоқатли жангчилардир. Мен биламанки, ҳеч ким ва ҳеч қачон ўз мамлакати учун булардек кураша олмайди...».

Бу чиндан ҳам бошқаларда йўқ афзаллик дир.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ҲАЕТ УЧУН ХАВФЛИ

Пирсда ракета ортишаётган эди. Бу, мингларча километр узоқликдаги катта майдонни вайрон қиладиган улкан баллистик ракета эди. Бизнинг кемаларимиз нишонга тегиш даражаси ниҳоятда аниқ бўлган қанотли ракеталар билан ҳам қуролланган.

Сувости кема базалари ва ракета ташувчи авиация аэродромида биз кўрган ҳамма нарсамиз (флот қўмондонлигининг вазифаларидан бири — авиация ва сувости кемаларини ҳамкорликда бир вақтда ҳам сув остидан, ҳам қуриқликдан зарба беришга тайёрлашдан иборат), армия ва флотни ракета-ядро техникаси билан қайта қуроллантириш тўла тугалланганлиги ҳақидаги маълум гапга жонли мисол бўлди.

... Биз базадан чиқиб кетдик. Мен палубанинг икки томонида чўзилган узунчоқ кемалар, контейнерлар, туйнуклардан осмонга қараб турган ракеталарга охирги марта назар ташладим. Мени оғир мускулли куч тезкор ва ҳар нарсага қодир қудрат ҳиссиёти яна қамраб олди. Шунда мен қўлимга рупор олиб, океанга қараб ернинг нариги томонига ҳам эшитилгандек даражада: «Бу кучни безовта қилманг. Бу — ҳавфли куч, бу сизларнинг ўзингиз учун ўлим демакдир. Агар ракеталар тилга кирсалар, улар ҳамма нарсани супуриб ташловчи нафрат, қасос ва куч номидан тилга кирадилар...» деб ҳайқиргим келди.

Виктор БУХАНОВ,

«Новости» матбуот агентлигининг махсус мухбири.

Телевизор

5 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 12.00 — **Физкультура билан шуғулланинг**, 12.20 — **Концерт** (болалар учун).

Рус тилида: 12.50 — **Майдонда биринчи марта** (болалар учун мультипликацион фильм), 13.00 — **Пахтаой** (фильм-эртак), 18.20 — **Темир йўлчилар куни ва Концерт** (темир йўл транспорт ходимларининг талабига мувофиқ, ўзбек ва рус тилларида), 20.20 — **Ҳафталик телехроника** (ўзбек ва рус тилларида).

Ўзбек тилида: 20.40 — Озарбайжон артистлари концерти.

Рус тилида — 21.05 — **Новости дня** киножурнали, 21.15 **Фожиали ов** номли итальян киноповести.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Насриддин Ҳўжандда** номли кинокомедия.

Рус тилида: 19.35 — **Концерт** (Краснодар ўлкаси бадиий ҳаваскорлари ижроси), 20.10 — **Реклама ва эълонлар**.

6 АВГУСТДА

Ўзбек тилида: 18.30 — **Мактаб ўқувчилари бригадасида**, 18.50 — **Шоир Миртемирнинг чиқиши**, 19.05 — **Телевизион янгиликлар**.

Рус тилида: 19.20 — **Атеистик темада**, 19.40 — **Кинооператор Сергей Урусевский** («Кино усталари» циклидан), 20.45 — **Телевизион янгиликлар**, 21.00 — **Сахиянинг нарги томонида — Америка** (ҳужжатли фильм).

Театр

ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино), — 5/VII кеч соат 8 яримда **Тобутдан товуш.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино), — 5/VIII да **Ғазал фожиаси**, 6/VIII да **Равшан ва Зулҳумор**.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Етти ака-укага етти келин — «ВАТАН», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Кўк осмон парчаси — «МИР» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 да).

Қирғоққа тушиш учун рухсат — «ИСКРА» (кеч соат 9 ва 10 да).

Қувноқ ҳангомалар — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Уйлар (эрталаб соат 10, кундуз 2, кеч 6 ва 10 да). **Сиҳрли тамоша** (кундуз 12, 4 ва кеч 8 да) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Минг қиёфага кирган киши — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(Сеанслар кеч соат 9 ва 10-40 минутда)

Қувноқ ҳангомалар — «ВАТАН».

«Бахтли аждар» фожиаси — «ПАХТАКОР».

Рим каникуллари — НАВОИЙ номли, «УДАРНИК».

Етти ака-укага етти келин — «ФЕСТИВАЛЬ», «ШАРҚ».

Сиҳрли тамоша — ТЕЛЬМАН номли.

Шпессарт саройидаги шарпалар — Пушкин номли.

Ўз хотинининг эри — «ПОБЕДА».

Оклахома (1 ва 2-серия) — КАФАНОВ номли.

„Стройбитремонт“ промкомбинати

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ГРАЖДАНЛАРНИНГ

КВАРТИРАЛАРИНИ

ўз материалидан

РЕМОНТ ҚИЛАДИ

Девор уриш ва суваш, шип, пол, дераза ва эшикларни ремонт қилиш, бўяш, ойна қўйиш, маҳаллий типдаги томларни суваш, пешайвонлар қуриш ва ремонт қилиш, йўлкаларни бетонлаш ишларини бажаради, электр симлари ўтказади, дераза, эшик ва тахта дарвозалар, плинтус ва рейкалар тайёрлайди.

ШУНИНГДЕК, ГРАЖДАНЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ЕҒОЧИДАН

тахта тилиб беради

Мурожаат учун адрес: Лабзак кўчаси 9-уй, телефон 2-79-61, 2-75-27 (9, 11, 19, 47-автобус, 2-трамвайнинг «Победа» парки остановкаси).

Бешёғоч кўчаси 39-уйда турувчи Ҳамидулла Абдусаматовнинг Қизилтовуш кўчаси 59-уйда турувчи Матлуба Абдусаматовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Ўртўқлаш

ИУКОЛСИН ХУРОФОТ!

„ҚИЛИЧ ДОМЛА“

Гапни чўзмай воқеани айнан айтиб қўяқолайлик. Аввал таниш-биш олинг: исми-шарифлари Мулла Иброҳим, лақаблари «Қилич домла». Тошкент шаҳар Октябрь район, Уйғур кўчаси. Жалолобод проездидаги 13-уйда истиқомат қиладилар. Бу ўй аслида уй эмас, кишиларни илинтириш учун қўйилган бир тузоқдир. Домла қирқ кун чиллага ўтириб катта азаимхон бўлганман деб кишиларни лақиллатиб умр кечирадилар, қайфи-сафо сурадилар. Тошга, тухумга, одеколон шишасига арабча сўзлар ёзиб жарақ-жарақ пул ишлаган ҳам мана шу Мулла Иброҳим домланинг ўзлари бўладилар. Домла эринги ишитиб бераман деб Ойтўрахонни, хотинингини ром қилиб бераман деб Мирсоатни қанчадан-қанча пулга туширдилар. Азаимхоннинг ўғилларини кўрсангиз савлатидан от ҳуркади. Мен ундоғу, мен бундоқ деб мақаллада ҳеч кимга гап беришмайди. Бири «Ташсельмаш» заводида, иккинчиси Ядро физикаси институтида одамларга гап уқтиради. Фан чўққиларини эгаллаш мақсадида юрибман деб яна бир ўғиллари китоб варақлайди, сиёсий-оқартув мактабида ёшларга ақл ўргатади. Ҳуллас бу оила маданиятли деб мақтаса бўладиган оилалардан. Ана шундай оиланинг бошлиғи товламачилик билан, кишиларни алдаш билан кун кечирса жуда кулгили бўлар экан!

«Қилич домла»нинг баъзибир тушунчаси паст кишиларни авраб текинхўрлик билан кун кечириши ҳеч кимга сир эмас. Бу киши азаимхон сифатида шариатни пеш қиладилару, ўзлари ярамас ишлар билан шуғулланадилар. Домламиз нафаслари ўткир, деб ном чиқарган эмишлар. Бўлмаган гап. Бу кишининг нафаслари эмас, балки нафслари ўткирдир. Нафс балосига гирифтор бўлган домламиз нене қуйларга тушмадилар. Бундан бирнеча вақт илгари иссиқ-совуқ баҳонасида «фарзанд талабларга нажот бераман» деб бир аёлни алдаб жиноят устида қўлга тушган ҳам мана шу домла поччамизнинг ўзлари эдилар. Турмада ётган пайтларида товбасига таяниш ўрнига кишиларни бундан сўнг қандай алдасам экан, деб ўйлаган эканлар. Қамоқдан чиққач, азаимхонликни энди ташладим деб ҳамма овоза қилдилар.

Қор ёғди, излар босилди. Шовқувлар ҳам тинди. Товбасига таянмаган, қаллоблик йўлига ўтиб олган домла яна эски изидан юра бошлади. Турмада жиналар билан алоқада бўлганман деб гап сотиб, хотин-қизларни яна овораю-сарсон қила бошлади. Бирининг қўлига эзибичка тутказди, бошқасига буни ўчоққа кўм, буни дарахтга осс, мана бунисини эшик тагига яшир, деб аллақандай латталутталар тутказди, баъзибир қинғир-қийғ, маънавий бузуқ шахслар домланинг ҳамроҳларига айланиб қолди.

Шу тариқа бу кишининг ишлари яна юришиб кетди. Махсус дафтар тутила бошланди. Бу дафтарга ўз мухлисларининг исми-фамилияси, нима келтириб берганн, қандай оят ёздириб олгани сингари маъносиз гаплар қайд қилиб борилди.

Мана домланинг ҳийла-найрангини ойнадек равшан кўрсатувчи «эзибичкилардан» бири. Унда араб тилида мана бундай сўзлар ёзилган: «мени яхши кўрсин, менга яхшилик қилсин, мени хоҳласин ва мендан рози бўлсин».

Ахир бу сўзларда ҳеч қандай илм-каромат йўқ-ку! Бу сўзлар ўзимизнинг оддий сўзлар-ку! Чин муҳаббатнинг бу сўзларга нима даҳли бор? «Қилич домла» муҳаббат ҳақида гап сотгунча аввал ўзларини тузатганда жуда яхши бўларди. Биринчи хотиннинг боласи билан бўз йиғлатиб кўчага ҳайдаб юборган домла, энди бировларга ақл ўргатадиган бўлиб қолибдилар.

«Қилич домла» бағри тош, текинхўрлик билан кун кўрувчи бир кимсадир. Эзибичкилар эса домланинг кишиларни алдаш воситасидир. Қиссамизнинг охирида ҳурматли газетхонга Иброҳим Икромхўжа ўғли — қасамхўр «Қилич домла»дан эҳтиёт бўлинг унинг найрангларига учманг деб огоҳлантириб қўймоқчимиз.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

— Бай-бай-бай, Келинпошша! Сизни жинлар чалибди-ку! Вақтида келибсиз, мана буёққа қадам ранжида қилгайсиз...

А. Холиқов чизган расм.

„НАСИҲАТ“

(ШИНГИЛ ҲИКОЯ)

Абдували Отаметов ўқувчиларнинг иншосини текшириб ўтириб, чарчади шекилли эснаб бошини кўтарди.

— Ойиси бир луқма ош қилмайсанми?

Қумрихон ошга уннаб кетди. Отаметов ишни йиғиштириб, кўчага чиқмоқчи бўлиб турганди, ҳовлида жияни Ўсаржон кўринди.

— Мана биз ҳам келдик, — деди кулиб.

— Эҳа — деди ўқутувчи севиниб, — кел-кел жиян. Бормисан. Ўзинг ҳам лайлатир қадирдай кўринмай қолдинг.

Тоға-жиян қучоқлашиб кўришиб кетдилар.

Ўсаржонни кўрган Қумрихон ошхонадан чиқиб ҳол-аҳвол сўрашди да, улардан олдинроқ уйга кириб, хонтахта атрофига кўрпача тўшаб яна ўз ишига кетди.

Уйда тоға-жиян ҳоли суҳбатлашиб ўтиришибди. Абдували ўнг ёнбошидаги ёстиғини чап ёнбошига олиб.

— Ишларинг яхшими? Ҳали ҳам ўша заводда ишлаяпсанми? — деб сўради.

— Ҳа, ўша ердаман. Бу йил завод директори инженерлар тайёрлаш институтининг сиртқи бўлимига ўқишга кирасан. Ўзимиз ёрдам берамиз деяпти.

— Меҳнатни севсанг, ширин сўз бўлсанг ҳамма сенч қадрлайди. Шунинг учун ҳам айтганларда, ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан деб.

— Янги борган кезларимда жуда қўрққан эдим. Йўқ, кейин ўрганиб кетдим. Ҳозир эса мастерман. Қўлимда 1-2 шогирдлар ҳам бор,— деб қўшиб қўйди жияни.

— Жиян, — деди босиқ товуш билан тоғаси, — сен билан йилига 3—4 марта кўришамиз. Мени сенга сариқ чақалик нафим тегмайди. Бошингда отанг йўқ. Онанг бечора сени ўқитиб вояга етказди. Бугун мастерсан, қўлингда 3—4 шогирдлар ҳам бор. Бу катта иш, аммо мағрурланиш керак эмас. Кишининг издан чиқиши, ишончини йўқотиб эл-юрт олдида шарманда бўлишидан осон нарса йўқ. Уни тиклаши амримаҳол. Айниқса ичкиликка ўрганма. Бу шундай ярамас нарсаки, ҳам пулинг кетади, ҳам обрўинг тўкилади. Ўзинг эса бебурд бўлиб қоласан.

— Тоға, ичмасликка аҳд қилганман,— деди йигит мақтангандек. — Шу вақтга қадар ароқ уёқда турсин пивони ҳам оғзимга олган эмасман. Олмайман ҳам.

— Яша, жиян шундай бўлиши керак,— деб Ўсаржоннинг елкасига қоқди Отаметов. Қумрихон эшикни қия очиб, «Овқатни сузаверайми» деб сўради.

— Пишган бўлса олиб келавер,— шошилиб деди ўқутувчи, сўнг ўрнидан туриб шкафни очди-да, этикетласига «Столичная водка» деб чиройли қилиб ёзилган пишадан икки румкага тўлатиб, бирини Ўсаржонга узатди.

— Йўқ, ичмайман!— Худди шикоят қилаётгандек қизариб, деди йигит.

— Ким билан қаерда, қай вақтда ичишни билиш керак, — насиҳатомуз, шу билан бирга қатъий оҳангда деди тоға, — озиб-ёзиб бир келиб қолибсан. Тоғангнинг гапини ерга ташлайсанми?! Бу одобдан эмас, жиян!!

— Энди, тоға...— алланечук бўлиб деди Ўсаржон.

— Энди, пендиси йўқ, ушла деяпман ,ушла!! — Отаметов румканинг тўлароғини қўярда — қўймай йигитга тутқазди.

— Қани жиян институтга муваффақиятли киришинг учун келажакда етук олим бўлиб етишишинг учун! — деди Отаметов нима учундир қувониб. Ўсаржон румкани бўшатиб, тоғасига бир тикилиб қўйди. Отаметов бўлса, улфат топилгани учун қувониб тинмай сўзларди.

— Энг муҳими, жиян ёмон одамлар таъсирига тушиб қолмаслик...

З. ОРИПОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25885. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлимлари — 33786. Секретариат — 34808. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистонн Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 01073. Нашр. Г. 1650.